

Мавзу: “Харакатчи” м.ч.жда ижара ҳисоби ва унинг такомиллаштириш йўллари.

Режа.

КИРИШ

1 – БОБ. Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситаларни ҳисобга олишнинг вазифалари ҳамда ижара муомилалари ҳисоби.

1.1. Асосий воситаларни ҳисобга олишнинг вазифалари, уларни туркумлаш ва баҳолаш.

1.2. Хўжалик юритувчи субъектларда узок ва қисқа муддатли ижара ҳисоби.

1.3. Бухгалтерия ҳисобида лизинг операцияларини акс эттириш тартиби

2 – БОБ. Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ва уларни ижараси муомилалари аудити.

2.1. Асосий воситалар аудитининг аҳамияти ва фойдаланиладиган маълумот манбалари.

2.2. Асосий воситаларнинг мавжудлиги ва сақланишини текшириш.

2.3. Лизинг ва ижара муомилалари аудити.

3 – БОБ. Корхонада асосий воситаларни келиб тушиши, ижараси ҳисоби ва лизинг муносабатларини мукаммаллаштириш йўллари.

3.1. Корхонада асосий воситаларни келиб тушуши ҳисобини ташкил этилиши.

3.2. Корхонада ижара шартномаси бўйича асосий воситаларнинг келиб тушиши ҳисоби.

3.3. Лизинг муносабатларини мукаммаллаштириш йўллари

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари.

Кириш

Битирув малакавий ишининг долзарблиги. Асосий воситаларни бухгалтерияда ҳисобга олишнинг энг асосий вазифаларидан бири шундан иборатки, у мавжуд асосий воситалардан тўғри ва унумли фойдаланиб, имкони борича кўп ва сифатли махсулот ишлаб чиқаришни ва ишлаб чиқаришга сарфланган ҳар бир сўмнинг рентабеллик даражасини оширишни таъминлаши керак. Чунки мавжуд қарорларга кўра, барча корхоналар мулклар учун бюджетга солиқ тўлашлари керак. Бу тўловларнинг суммаси мулк-ларнинг миқдорига қараб мутаносиб равишда ўзгаради, асосий ва айланма капиталларнинг қиймати ошган сари тўловларнинг суммаси ҳам ошиб боради, бу эса субъект фойдасининг камайиб кетишига таъсир қилади. Бундай иқтисодий сиёсат корхоналарни ортиқча асосий ва айланма маблағлардан воз кечишга, энг зарур бўлган асосий воситаларни олиб қолиб, улардан унумли фойдаланишга мажбур қилади.

Бухгалтерия ҳисоби ёрдамида субъектда бекор турган ва ортиқча асосий воситалар аниқланади, уларни бошқа ташкилотларга ижарага топшириш ёки сотиш чораларини кўришга ёрдам беради ва мавжуд асосий воситалардан қандай фойдаланаётганлиги ва улардан яна ҳам унумлироқ фойдаланиш йўллари излаб топишга ёрдам очиб берилади.

Субъектлар асосий воситаларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, бошқа субъектга сотиш, текинга (эҳсон сифати-да) бериш, алмаштириш, ижарага бериш, вақтинча текинга фойдаланишга бериш ва ҳисобдан чиқариш ҳуқуқларига эгадирлар.

Ушбу ҳуқуқлардан фақатгина дастлабки ҳужжатларни ўз вақтида ва тўғри тўлғазиш натижасидагина самарали фойдаланиши мумкин.

Субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятида ишлатилаётган меҳнат воситаларининг турлари ва сони шунчалик турли-туман ва кўпки, уларнинг ҳисобини, назоратини кучайтириш ва маб-лағлар ажратишни осонлаштириш мақсадида бухгалтерия ҳдуюбида барча меҳнат воситаларининг ичидан дастлабки қиймати белгиланган қийматдан кам бўлмаган ва бир йилдан

ортиқ хизмат қиладиган меҳнат воситалари ажратиб олинган ва уларга асосий восита (фонд)лар деб ном берилган.

Асосий воситаларни ҳисобга олиш УзР АВ томонидан 2004 йил 20 январда 1299-сон билан руйхатга олинган 5-сон БХМСга асосан амалга оширилади.

5-сон БХМСнинг 3-бандига мувофиқ,, асосий воситалар деб корхона томонидан узок; муддат давомида хужалик фаолиятини юритишда махсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар курсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлар тушунилади.

Бозор иқтисодиётига кириб бориш ва унинг ривожланиши жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида ижарага олинган асосий воситалардан кўпроқ фойдаланиши мумкин. Шунинг натижасида ҳозирги даврда уларнинг хўжалик фаолиятида ижара муносабатлари муҳим ўрин тутмоқда. Ижара деб — активларнинг эгаси (ижарага берувчи) бошқа субъектга (ижарачига) маълум бир вақт ичида ва тўлов эвазига активларни ишлатиш учун эксклюзив ҳуқуқни топшириши бўйича тузилган битимга асосан узок муддатли активларни фойдаланишга бериш тушунилади.

Ижарага бериш муддатига кўра уларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- узок муддатли ижаралар — 1 йил ва ундан ортиқ муддатга;
- қисқа муддатли-жорий ижара — 1 йилгача муддатда. Бундан ташқари мулкчиликка бериш шартига биноан ижара шакллари қуйидагича бўлади:
 - молиялаштирувчи-молиялаштирилган лизинг — ижра муддати амортизация ҳисоблаш муддатига тенг;
 - жорий, яъни тезкор ижара — мулкка эгалик ҳуқуқи ижарага берувчи қолади.

Молиялаштирилган ижара деб - активга эгалик қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган ҳамма таваккалчилик ва мукофотлар, активларни ишчи ҳолатда саклаб турадиган ижарачига ўтказиладиган ижарага айтилади.

Қуйидаги шартлардан бирига мос келадиган ижара молиялаштирилган (молиявий) ҳисобланади:

1. Ижаранинг муддати тугагач ижара орқали активларга эгалик қилиш ҳуқуқи ижарачига ўтказилади.
2. Ижара активларни бозор нархидан пастроқ нархда харид қилиш имкониятини яратади.
3. Ижара муддати активнинг фойдали ишлатилиш муддатининг кўпроқ қисмини ташкил этади (масалан 75 % ёки ундан кўпроқ).
4. Ижара бошида жорий минимал ижара тўловлари ижарага олинган мулкнинг, ижаранинг бошланиш санасида бозор нархидан катта ёки унга тенг бўлса.

Асосий воситаларни аудиторлик текширувидан ўтказиш мижоз корхона фаолияти умумий аудитининг бир қисми ҳисобланади. Унинг мақсади бухгалтерия ҳисоботи асосий воситалар бўлимининг ишончилиги тўғрисида фикр шакллантириш ва корхонада асосий воситалар билан боғлиқ муомалаларни ҳисобга олиш ҳамда солиққа тортиш услубиётини ташкил этишнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади халқ хўжалиги корхоналарида асосий воситаларни ижараси ҳисоби ва аудитини ташкил этишни такомиллаштириш ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун битирув малакавий ишда қуйидаги вазифаларни бажариш белгилаб олинган:

Бозор иқтисодиёти шароитида асосий воситаларни ижараси ҳисоби ва аудитини ташкил этиш муаммоларини ёритиш ҳамда уларни ечимини очиб беришга ҳаракат қилиш;

Асосий воситаларни ижараси ҳисоби ва аудитини ташкил этиш ва бу йўналиш бўйича корхонада самарадорлик даражасини аниқлаш ҳамда унга баҳо бериш;

Асосий воситаларни ижараси ҳисобини ташкил этишни бошланғич ҳужжатлар ва регистрларда айланишини урганиш,тегишли қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳамда уларни такомиллаштириш йуналишларини излаш;

Битирув малакавий ишининг *предмети ва объекти*. Мазкур малакавий битирув ишининг тадқиқот предмети хужалик юритувчи субъектларда асосий воситаларни ижараси ҳисоби ва аудитини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича тегишли хулоса ва таклифлар беришдан иборат бўлгани холда битирув малакавий ишнинг объекти бевосита ижара ва лизинг операциялари бўлиб,бу масалалар “Харакатчи” масъулияти чекланган жамият мисолида ёритилган..

Битирув малакавий ишининг *назарий ва услубий асослари*. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Қарорлари, бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар, мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг асосий воситаларни ижараси ҳисоби ва аудитини ташкил этиш ва юритиш бўйича илмий ишлари, услубий, меъёрий манбалар ҳамда интернет маълумотлари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг *таркибий тузилиши*. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида битирув малакавий ишининг долзарблиги, ушбу мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг вазифалари, назарий-услубий асослари ўз ифодасини топган.

Биринчи бобда корхоналарда асосий воситалар,уларнинг баҳоланиши,асосий воситаларни ижараси ҳамда лизинг операцияларини бухгалтерия ҳисобида расмийлаштириш ва бу муомилаларни тегишли бухгалтерия ўтказмалари орқали қайд этиш услубияти баён этилган.

Иккинчи бобда хужалик юритувчи субъектларда асосий воситаларни ижараси ва уларни аудит текширувидан ўтказиш усуллари, асосий

воситаларни аналитик ҳисоби ҳамда лизинг операцияларини текширувдан утказиш тартиби ва уларнинг назарий асослари уз ифодасини топган.

Учунчи бобда “Харакатчи” м.ч.ж. мисолида асосий воситаларни келиб тушуши ва хусусан лизинг шартномалари орқали асосий воситаларни корхона балансига кирим қилиниши ва лизинг муомилаларини такомиллаштириш йўналишлари масалалари ёритилган.

Битирув малакавий ишнинг хулоса қисми ўрганилган мавзу бўйича олинган билим ва кўникмалардан келиб чиққан ҳолда тегишли хулоса ва таклифларни баён этиш билан якунланади.

1.1.Асосий воситаларни ҳисобга олишнинг вазифалари, уларни туркумлаш ва баҳолаш.

Асосий воситаларга Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий андозасининг 5-сонида қўйидагича таъриф берилган:

Асосий воситалар деб, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасида фойдаланадиган, шунингдек узок муддатли ижарага бериладиган ва узок муддат давомида (бир йилдан ортиқ) хизмат қиладиган воситаларга айтилади.

Ушбу БХМСга кура асосий воситалар таркибига қўйидаги мезонларга жавоб берадиган моддий активлар киритилади:

- а) бир йилдан ортиқ хизмат қилиш муддати;
- б) бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикаси (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар.

Корхона раҳбари ҳисобот йилида буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилашга ҳақли.

Хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар, қўйидагилар асосий воситалар таркибига киритилмайди:

- а) махсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумлаб ва ёппасига ишлаб чиқариш учун ёки яқка тартибдаги буюртмаларни тайёрлаш учун мўлжалланган, мақсадли йўналтирилган асбоблар ва мосламалар);
- б) махсус ва санитария кийим-кечаклари, махсус пойабзаллар;
- в) кўрпа-тўшак анжомлари;
- г) ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган асбоблар ва бошқалар);
- д) ошхона анжомлари, шунингдек ошхона учун дастурхон-сочиклар;
- е) тикланиши бўйича харажатлар қурилиш-монтаж ишлари таннарига киритиладиган вақтинчалик (нотитул иншоотлар) мосламалар ва қурилмалар;

ж) камида бир йиллик фойдаланиш муддатига эга бўлган алмаштириладиган ускуналар;

з) ов қуроллари (траллар, тўрлар, қармоқлар, матраплар, мережалар ва бошқалар).

Асосий воситалар таркибида қонун ҳужжатларига мувофиқ корхона мулкига ўтказилган ер участкалари ҳам ҳисобга олинади.

Қўп йиллик кўчатларга, ерни тубдан яхшилашга, ижарага олинган асосий воситалар объектларига капитал қўйилмалар ҳар йили бутун ишлар мажмуаси яқунланган санадан қатъи назар, ҳисобот йилида фойдаланишга қабул қилинган асосий воситаларга тегишли харажатлар суммасида асосий воситалар таркибига киритилади.

Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби бирлиги бўлиб инвентарь объекти ҳисобланади. Асосий воситаларнинг инвентарь объекти сифатида барча қурилмалари ва анжомларига эга бўлган объект ёки муайян мустақил вазифаларни бажариш учун мўлжалланган алоҳида конструктив асосдаги буюм ёхуд бутун бир яхлитликни ифодаловчи ва муайян вазифаларни бажариш учун мўлжалланган конструктив жамланган буюмларнинг алоҳида мажмуи тан олинади. Конструктив жамланган буюмларнинг алоҳида мажмуаси - умумий мосламаларга ва анжомларга, умумий бошқарувга эга, бир пойдеворда қурилган, натижада мажмуага кирувчи ҳар бир буюм ўз вазифасини мустақил равишда эмас, балки фақатгина мажмуа таркибида бажара оладиган бир ёки турли мўлжалдаги битта ёки бир нечта буюмлардир. Битта асосий воситада турлича фойдали фойдаланиш муддатига эга бўлган бир нечта мустақил объектлар мавжуд бўлган ҳолатда ҳар бир бундай объект бухгалтерия ҳисобида алоҳида мустақил инвентарь объекти сифатида тан олинади.

Иккита ёки бир нечта корхона мулкида бўлган асосий воситалар объекти ҳар бир корхона томонидан умумий мулкдаги унинг улушига тенг миқдорда асосий воситалар таркибида акс эттирилади.

Асосий воситалар актив сифатида тан олинади, агар:

- а) корхонага келгусида актив билан боғлиқ иқтисодий фойда келиб тушишига ишонч бўлса;
- б) актив қийматини аниқ баҳолаш мумкин бўлса.

Асосий воситаларни ҳисобга олишда бухгалтерия ҳисобининг вазифалари куйидагилардан иборат:

- асосий воситаларнинг киримини, корхонадаги ҳаракати ва ҳисобдан чиқариш уз вақтида тегишли ҳужжатларга асосан расмийлаштириш ва ҳисоб регистрларида акс эттириш;
- асосий воситаларнинг эскиришини тугри ҳисоблаш ва бухгалтерия ҳисоби регистрларида акс эттириш;
- асосий воситалар жунатилганда молиявий натижалар тугрисида аниқ маълумотлар олишни таъминлаш;
- солиқ туловларни ҳисоблаш учун зарур бўлган маълумотларни аниқ ҳисоблаш имконини таъминлаш;
- асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари ва улардан самарали фойдаланишни назорат қилиш;
- асосий воситалар нақдлигиги ва уларнинг ҳаракати тугрисидаги статистик ва бухгалтерия ҳисобларида талаб қилинган маълумотларни бериш имкониятини яратиш ва ҳ.к..

Юқоридаги бухгалтерия ҳисобининг вазифаларини бажариш учун асосий воситаларни илмий асосланган ҳолда туркумлаш шунингдек бухгалтерия ҳисобида баҳолаш лозимдир.

Корхона асосий воситалари таркибига кура ҳар хил бўлиб, маълум белгилари асосида туркумланади. корхоналарда асосий воситаларнинг ягона намунавий туркумлаш кулланилади. Унга кура улар тармок белгиларига, тайинланишига, турлари, қайси соҳага тегишли эканлиги ва фойдаланишига кура туркумланади.

Асосий воситаларни тармок белгиларига караб гуруҳлаш (саноат, қурилиш, савдо, кишлок ҳкжалиги ва бошқалар) ҳар бир тармокка тегишли

асосий воситаларларнинг киймати тугрисида маълумот олиш имконини беради.

Тайинланишига кура корхоналарнинг асосий воситалари асосий ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар, бошқа тармоқлардаги асосий ишлаб чиқариш воситалар ва ноишлаб чиқаришдаги асосий воситалар.

Корхоналарнинг асосий воситалари турлари бўйича қуйидагича гурухланади:

- бинолар ва иншоотлар;
- узатувчи мосламалар;
- машина ва асбоб-ускуналар;
- транспорт воситалари;
- асбоб ускуналар;
- ишлаб чиқариш инвентарлари ва буюмлар;
- хужалик инвентарлари;
- иш ва маҳсулдор хайвонлар;
- куп йиллик дарахтлар;
- ерларни яхшилашга сарфланган капитал сарфлар ва бошқа асосий

воситалар.

Шунингдек, ижарага олинган асосий воситаларга сарфланган капитал қуйилмалар ҳам асосий воситалар таркибида ҳисобга олинади.

Асосий воситаларни турлари бўйича туркумлашдан кузланган асосий мақсад уларнинг аналитик ҳисобини ташкил қилишдир.

Қимга тегишлигига қараб асосий воситалар узига тегишли ва ижарага олинган асосий воситаларга бўлинади. Фойдаланиш белгиларига қараб эса асосий воситалар эксплуатациядаги, реконструкциядаги ва қайта қуроллантиришдаги асосий воситаларга бўлинади.

Бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар БХМС №5 га кура қуйидагича баҳоланади:

- **бошланғич қиймат** - тўланган ва қопланмайдиган солиқларни (йиғимларни), шунингдек активни ундан мўлжал бўйича фойдаланиш учун

ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва исталган бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда, асосий воситаларни тиклаш (қуриш ва қуриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича ҳақиқатда қилинган харажатларнинг қиймати;

- **амортизацияланадиган қиймат** - молиявий ҳисоботларда фараз қилинаётган (баҳоланган) тугатиш қийматини чегирган ҳолда кўрсатилган активнинг бошланғич (тиклаш) қиймати суммаси;

- **амортизация** - фойдали хизмат муддати мобайнида активнинг амортизацияланадиган қийматини асосий воситаларнинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннарига ёки давр харажатларига мунтазам тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодаси;

- **фойдали хизмат муддати** - корхона активдан фойдаланадиган вақт даври ёки корхона ушбу активдан фойдаланишдан олишни мўлжаллаётган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) миқдори;

- **жорий қиймат** - маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича асосий воситаларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлган сумма;

- **қолдиқ (баланс) қиймат** - жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати;

- **тугатиш қиймати** - асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда кутилаётган фойдали хизмат муддати охирида асосий воситаларни тугатиш чоғида олинадиган активларнинг фараз қилинаётган суммаси.

Бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар бошланғич қиймат бўйича ҳисобга олинади.

1.2. Хужалик юритувчи субъектларда узок ва киска муддатли ижара ҳисоби.

Бозор иқтисодиётига кириб бориш ва унинг ривожланиши жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида ижарага олинган асосий воситалардан кўпроқ фойдаланиши мумкин. Шунинг натижасида ҳозирги даврда уларнинг хўжалик фаолиятида ижара муносабатлари муҳим ўрин тутмоқда. Ижара деб — активларнинг эгаси (ижарага берувчи) бошқа субъектга (ижарачига) маълум бир вақт ичида ва тўлов эвазига активларни ишлатиш учун эксклюзив ҳуқуқни топшириши бўйича тузилган битимга асосан узок муддатли активларни фойдаланишга бериш тушунилади.

Ижарачининг асосий мажбурияти бўлиб, ижара ҳақини белгиланган даврда ва тўлиқ тўлаш ҳисобланади, одатда ҳар ойда ёки ҳар йил чорагида, ҳамда бўнак тариқасида тўловлар амалга оширилади. Бунда активларни ким ишчи ҳолатда тутишини ижара келишуви аниқлайди. Тезкор ижара битими бўйича — бино ва асбоб-ускуналарнинг қисқа вақтга (бир кундан бир йилгача ёки кўпроқга) ижарага олганда ижарага берувчи асосий воситаларни таъмирлаш ва ижрани амалга ошириш бўйича харажатлар деб аталувчи жорий харажатларни тўлаш, масалан солиқдар ва мулк суруртасини тўлашни ўз зиммасига олади. Молиявий ижара битими бўйича ижарачи ҳамма харажатларни ўзи қоплайди. Ижарага берувчи активнинг хизмат қилиш вақти мобайнида ижара битимини даврий ҳолда янгилаб туриши керак. Шундай бир фикр мавжудки, агар битимда ижарага олинган асосий воситалар ижара муддатининг ўтиши билан ижарачининг мулкига ўтказилиши келишилса ёки ижара муддати етарлик даражада узок ёки ижара битими бузилиши мумкин бўлмаса, унда ушбу ижара муомаласида ижарага берувчи томонидан мулкнинг кредитга сотилиши ёки ижарачи томонидан муддатини узайтириб сотиб олиш сифатида тушунилиши мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда якунловчи мақсад бўлиб яширин ҳолатда сотувчи (ижарага берувчи) томонидан активларга эгалик қилиш ҳуқуқини сотиб олувчи (ижарачи)га ўтказилиши ҳисобланади.

Ижарага бериш муддатига кўра уларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- узоқ муддатли ижаралар — 1 йил ва ундан ортиқ муддатга;
- қисқа муддатли-жорий ижара — 1 йилгача муддатда. Бундан ташқари мулкчиликка бериш шартига биноан ижара шакллари қуйидагича бўлади:
 - молиялаштирувчи-молиялаштирилган лизинг — ижра муддати амортизация ҳисоблаш муддатига тенг;
 - жорий, яъни тезкор ижара — мулкка эгалик ҳуқуқи ижарага берувчи қолади.

Молиялаштириш ва харид ҳаракатига эга ижарага, ишлаб чиқарувчи асбоб-ускунани ўз харидорлари томонидан сотиб олинганининг молиялаштирилишининг ҳолати мисол бўлиб келтирилиши мумкин. Ижарага олинган мулкка ижарага берувчининг эгалик қилиш ҳуқуқи, объектнинг хизмат муддати-нинг охиригача давом этиши мумкин бўлган молиялаштириш муддати ўтгандан кейин мулкчилик ҳуқуқи ижарачига ўтиши мумкин. Яна бошқа бир мисол бўлиб, асбоб-ускунага эгалик қилиш ҳуқуқи учун ишлаб чиқарувчига тўлайдиган ва бир вақтда уни, олинган воситалар учун даврий ҳолда қисман тўловлар қилиш ҳақидаги ҳужжатларни молиявий компанияга топширгандагина, харидорга сотадиган молиявий компания ҳисобланиши мумкин. Бунинг натижасида, ҳақиқий харидор мулкни ишлатиш учун ҳуқуқни сотиб олади (балким объектнинг бутун хизмат муддати мобайнида). Бу ерда шу нарса яққол кўриниб турибдики, молиявий компания мулк қийматининг тўлиқ тўланишига қадар ижарачининг ихтиёрида бўлган воситаларнинг сотиб олинганини молиялаштиради.

Ижара ҳақиқатдан ҳам харид бўлиб ҳисобланганда, ижарачи олинган асбоб-ускунани бозор нархи бўйича ҳисобга олиши ва ижара бўйича кредиторлик қарзини ҳам худди шу суммада кўрсатиши лозим. Худди шу йўл билан, консерватизм принципига риоя қилган ҳолатда, ижарага берувчи

ижарани мулкни сотиш сифатида қараши лозим. Бундай ҳолда (сотиш туридаги ижара) мулкнинг бозор нархи билан унинг таннархи орасидаги фарқ фойда сифатида акс эттирилиши лозим.

Харид деб тушунилиши мумкин бўлган ижара капитали, узоқ муддатли ёки молиялаштирилган (молиявий) ижара дейилади.

Молиялаштирилган ижара деб - активга эгалик қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган ҳамма таваккалчилик ва мукофотлар, активларни ишчи ҳолатда саклаб турадиган ижарачига ўтказиладиган ижарага айтилади. Қуйидаги шартлардан бирига мос келадиган ижара молиялаштирилган (молиявий) ҳисобланади:

5. Ижаранинг муддати тугагач ижара орқали активларга эгалик қилиш ҳуқуқи ижарачига ўтказилади.
6. Ижара активларни бозор нархидан пастроқ нархда харид қилиш имкониятини яратади.
7. Ижара муддати активнинг фойдали ишлатилиш муддатининг кўпроқ қисмини ташкил этади (масалан 75 % ёки ундан кўпроқ).
8. Ижара бошида жорий минимал ижара тўловлари ижарага олинган мулкнинг, ижаранинг бошланиш санасида бозор нархидан катта ёки унга тенг бўлса.

Биринчи шарт ишончлироқ, чунки у эгалик қилиш ҳуқуқини савдо-сотиқ жараёнида ўтказилишини кўзда тутди. Учинчи шарт шуни назарда тутдики, агар кимдир воситаларни мулкнинг деярлик бутун хизмат муддати мобайнида ишлатса, улар сотиб олинган ҳисобланадилар. Тўртинчи шарт шуни билдирадики, агар ижарачи активларнинг бозор нархига максимал равишда яқинлаштирилган суммани тўласа, буни харид деб тушуниш мумкин.

Шундай қилиб, барча тўртта шартлар, сотиб олиш сотувчи томонидан харидорга, мулкнинг кутилаётган хизмат муддати мобайнида ишлатишдан келиб чиққан таваккалчилик ва даромадларни, жумладан бу даромадлар учун тўловлар қилиш мажбуриятининг ўтказилишини кўзда тутди, деган фикрга

асосланиб қўлланилади. Бу ерда хулоса шуки, агар кафолатланмаган қолдиқ қиймати нисбатан кам бўлса, унда ҳақиқатда таваккалчилик ва даромадлар харидорга ўтказилади ва бундан келиб чиққан ҳолда ижара капитализациялаштирилиши лозим. Шунинг учун ижарани молиялаштирилган сифатида тушуниш учун етарли бўлган таваккалчилик ва даромадларнинг суммасини аниқлаш, бир қатор ихтиёрий шартларга, жумладан хизмат муддати ва мулкнинг бозор қийматининг 75% каби шартларга асосланган бўлиши керак.

Ижарани ижарага берувчи ва ижарачи томонларидан бир хил тушунилишини таъминлаш учун қуйидаги икки критерия (шарт) мавжуд:

1. Минимал ижара тўловларининг суммаси тахминий асосланган бўлиши керак.

2. Ижарага берувчи ўз зиммасига олиши шарт бўлган қопланмайдиган харажатлар (сурурталаш, сақлаб туриш, солиқларни тўлаш харажатларидан ташқари), ўлчанадиган ва тахминлаштириладиган бўлиши керак.

Бу критерийлардан ҳеч бири ижара воқеасини тан олишни ўзгартирмайди, балким фақатгина консерватизм принципига диққатни қаратади. Бошқа томондан, бу критерийлар ижара таърифини икки омил билан тўлдириб туради:

а) эгалик қилишдан келиб чиққан таваккалчилик ва даромадларни ўтказиш;

б) ижарага берувчининг соф дебиторлик қарзини баҳолашнинг ҳаққонийлик даражаси.

Муомалавий (жорий) ижара — бу молиялаштирилган ижарадан ташқари ҳар қандай ижара бўлиб, қуйидаги шартларга мувофиқ бўлиши керак:

1. Ижарачи ҳеч қандай таваккалчиликка эга эмас, бироқ активларга эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган бирон бир устунликка ҳам эга эмас.

2. Жорий ижара шартлари асосида ижарага олинган активлар, ижарадор ижарага берувчининг бухгалтерия балансида акс эттирилади.

Ижарачи томонидан молиялаштириладиган ижаранинг ҳисоби.

Молияштирилган ижара, ижарачи балансининг активида — ижарага олинган воситалар, мажбуриятида эса - ижара мажбуриятларини ҳисобга олишни назарда тутди. Ижара муддатининг бошида капитализацияланган сумма, ижара объектининг бозордаги баҳоси асосида аниқланадиган минимал ижара тўловларининг жорий - дисконтланган қийматига тенг бўлиши керак. У ижара тўловларининг суммасидан сақлаш, ас-раш, суғурталаш ва солиқларни тўлаш харажатларини, яъни ижарани амалга ошириш бўйича харажатларни чиқариб ташлаш орқали ижара тўловини ҳисоблайди.

Минимал ижара тўловларининг дисконтланган қийматини ҳисоблаганда, дисконтлашнинг ҳисобга олиш омили бўлиб, ижаранинг тахмин қилинган фоиз ставкаси ҳисобланади, агар уни аниқлаш мумкин бўлса; агар аниқлаш имконияти бўлмаса альтернатив фоиз ставкаси қўлланилади Ушбу фоиз ставкаси ижарачи ушбу активларни сотиб олиш учун қарзга олган маблағлари юзасидан тўланадиган тўловларнинг суммасига тенгдир.

Мисол: Ижара тўловларининг жорий (дисконтланган) қийматининг ҳажми ижарачи балансининг активида кўрсатилиши лозим. Ижара бўйича мажбуриятларнинг суммаси балансининг «Мажбуриятлар» қисмида кўрсатилиши лозим: муддати 1 йилгача бўлган жорий тўловларнинг ҳажми - қисқа-муддатли мажбуриятлар сифатида ва тўловларнинг муддати 1 йилдан ортиқ бўлса - узоқ муддатли мажбуриятлар сифатида Ижарага олинган мулк ҳақидаги маълумот хусусий активлар ҳақидаги маълумот билан комбинациялашган бўлиши мумкин, лекин иловада ижарага олинган мулкнинг қийматини ва унинг амортизациясини кўрсатиш керак.

Асосий воситаларнинг ижараси ҳисоб-китоби

АКТИВЛАР		МАЖБУРИЯТЛАР	
Асосий воситалар бошланғич қиймати бўйича*	3.000.000	Молиявий ижара бўйича қисқа муддатли мажбуриятлар	90.000
,Минус: ҳисобланган амортизация	1.000.000		
Асосий воситаларнинг соф қиймати	2.000.000	Молиявий ижара бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар	270.000
* Асосий воситаларнинг умумий қийматига ижарага олинган мулк 500.000 сўм, йигилган амортизацияга эса - ушбу мулкнинг амортизацияси 140.000 сўм, киритилган.			

Кўриб турибмизки, асосий воситалар ижарасининг капиталлашган қиймати 500.000 сўмни ташкил этади минус 140.000 сўм, амортизацияси ёки 360.000 сўм, мажбуриятлар эса 90.000 сўм, қисқа муддатли ва 270.000 сўм, узоқ муддатлига бўлинадилар.

Ижара тўловлари ҳисоботда молиявий тўлов (фоизлар бўйича харажатлар) ва мажбуриятларни камайтириш бўйича тўловларга (ижара келишуви бўйича тўловлар) тақсимланади.

Молиявий тўлов ижара муддати мобайнидаги минимал ижара тўловларининг суммаси ва бошланғич ёзилган мажбурият суммаларининг фарқидан иборатдир. Молиявий тўлов ижара муддати мобайнида даврлар бўйича шундай тақсимланадики, ҳар бир даврда мажбуриятларнинг қолдиғига нисбатан доимий даража (ставка) сақланиб қолиниши керак.

Ижарага олинган мулкнинг амортизацияси унга бўлган эгалик қилиш ҳуқуқи ўтказилган пайтда аникланади. Агар эгалик қилиш ҳуқуқи ижарачига ижара муддати тугагандан кейин ўтса ёки бу кўзда тутилган бўлса, амортизацияни ҳисоблаш даври бўлиб, активнинг фойдали иш фаолиятининг муддати ҳисобланади. Агар эгалик қилиш ҳуқуқи ўтказилмаса, амортизацияни ҳисоблаш даври бўлиб, қуйидаги икки даврдан энг қисқаси: ижара муддати ёки активнинг фойдали иш фаолиятининг муддати ҳисобланади.

Одатда молиявий тўлов ва ҳисобланган амортизация суммаси ҳисобот даври учун тўланган ижара тўловига тенг эмас ва бунинг натижасида ижарага олинган активнинг қиймати ва у билан боғлиқ мажбуриятларнинг қиймати ижара

муддатининг бошланишидан келишилган ҳамма даврлар учун тенг бўлмайди.

Ижарачи томонидан муомалавий (тезкор) ижаранинг ҳисоби.

Ижара тўловлари бўйича харажатлар тизимли (систематик) равишда ҳар ҳисобот даврида (ижарага берувчи томонидан ҳисобга олинадиган суғурталаш ва хизмат кўрсатиш қийматидан ташқари) молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинади.

Ижарага берувчи томонидан молиявий ижаранинг ҳисоби.

Ижарага берувчи нуқтаи назаридан ижара ёки молиявий ёки сотув шаклидаги ижара бўлиб ифодаланиши мумкин. Ижарага берувчи учун молиявий ижарага берилган активлар балансда асосий воситалар сифатида эмас, балки ижарага соф инвестицияларга тенг бўлган дебиторлик қарз сифатида акс эттирилади. Бундай дебиторлик қарзнинг соф қиймати минимал ижара тўловларининг жорий дисконтланган қиймати орқали аниқланиши керак, улар кафолатланган ёки кафолатланмаган бўлишидан қатъий назар. Ижарага берувчи ҳисоботда ижарадан олинган фойдани фоизлардан тушган фойда сифатида акс эттиради. Бутун фойда капитал қўйилмалардан олинган фойдадир деб ҳисобланади.

Сотишларнинг тури бўйича ижара ҳисоби.

Агар ишлаб чиқарувчи узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича маҳсулотнинг жўнатилишини ишлаб чиқаришнинг молиялаштириш манбаси сифатида акс эттирса, олинган фойда икки йўналиш бўйича алоҳида акс эттирилиши шарт:

- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш;
- ижара муддати мобайнида ижара шартномаси бўйича инвестициялар.

Ижара битими ҳақиқатда ижро этилганда, яъни ижара шартномаси бўйича дебиторлик қарзининг ҳажми маҳсулотнинг реализация баҳосига тенг бўлса, ишлаб чиқаришдан олинган даромадларни ҳисобга олиш мумкин. Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар мос келадиган дисконтлаш ставкасини ишлатган ҳолда минимал ижара тўловларнинг дисконтланган қийматига тенг бўлиши керак. Лекин ушбу даража (ставка) реализация баҳосини ҳисобга олмасдан қўлланилиши мумкин эмас. Агарда маҳсулот, иш ва хизматларнинг сотув нархлари мавжуд бўлмаса ёки уларни аниқлаш мумкин бўлмаса, ижарага берувчи сотувлардан олинадиган ялпи фойда ва фоизлардан олинган фойдани аниқлашда сезиларли эркин ҳаракат қилишга эгадир. Ҳар қандай ҳисоб жараёни ўзида ижарадан олинган ялпи фойдани ишлаб чиқариш ва инвестиция қилиш ўртасида ихтиёрий тақсимлашни ифодалайди.

Активни қайта ижарага олиш шarti билан сотиш.

Бу келишув бўйича фирма ўзининг активларини бошқа томонга сотади ва ушбу активни сотиб олган томон уларни сотган фирмага қайтадан ижарага беради. Одатда активлар бозор қийматига яқин нарҳда сотилади. Фирма асбоб-ускуна қийматини нақд пулда ва ижара муддати мобайнида активлардан иқтисодий фойдаланиш ҳуқуқини беради. Мулкни қайтадан ижарага олиш шarti билан сотиш бўйича битимларнинг бухгалтерия ҳисобининг усули ижаранинг турларига боғлиқдир.

Агар активларнинг қайтадан ижарага олиш шarti билан бошқа субъектга сотилиши унинг молиялаштирилган ижараси ҳисобланса, унда

бундай битим ижарага берувчи активларни кафолат ўрнида ишлатиб қийматидан ошган қисмини олинган фойда деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ келмайди. Бундай ортиқча қисм, агар тан олинган бўлса, муддати узайтирилади ва ижаранинг муддати мобайнида фойдага олиб борилади.

Агар мулкнинг қайта ижарага олиш шарти билан сотилиши муомалавий ижара ҳисобланса, ҳамда ижара ҳақлари ва реализация нархи ҳаққоний қиймат бўйича белгиланса, демак оддий сотув содир бўлган ва ҳар қандай фойда ёки зарар шу захоти тан олинади.

Агарда мулкнинг реализация нархи ҳаққоний қийматдан паст бўлса, ҳар қандай фойда ёки зарар шу захоти тан олинади, бозор қийматидан паст нархлар бўйича кўрилган зарарнинг келгуси ижара тўловлар билан қопланиши бунга кирмайди. Бу ҳолда ушбу тўловларнинг муддати узайтирилади ва у ушбу актив ишлатиладиган вақт даври мобайнида қилинадиган тўловларга мутаносиб (пропорционал) равишда фойда ёки зарарга олиб борилади.

Агар реализация баҳоси ҳаққоний қийматдан юқори бўлса, ҳаққоний қийматдан ошган қисмининг муддати узайтирилади ва ушбу активнинг ишлатиладиган муддати мобайнида ҳисобдан чиқарилади.

Агарда битим вақтида ҳаққоний қиймат баланс қийматидан камроқ бўлса, баланс қиймати ва ҳаққоний қиймат ўртасидаги суммага тенг бўлган зарар суммаси шу захоти тан олинади.

Активларни қайта ижарага олиш шарти билан сотиш бўйича келишувлар билар шугулланадиган ижарага берувчилар: суғурта компаниялар ва бошқа ҳар хил инвесторлар, молиявий компаниялар ва мустақил лизинг компаниялари ҳисобланадилар.

Ижара келишуви бўйича активларни сотиб олиш.

Бевосита ижара ҳақидаги келишув бўйича компания активларни фойдаланишга олади, агарда бунгача у ушбу активларга эга бўлмаган бўлса. Асосий ижарага берувчилар — ишлаб чиқарувчилар, молиявий компаниялар,

банклар, мустақил ва хусусийлаштирилган ижара компаниялари ва жамоалар ҳисобланди.

Ижаранинг устунликлари.

Ижара пул маблағлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиши мумкин, чунки бу ҳолда ижарага олинган актив қийматининг 100%игача молиялаштирилиши мумкин. Банк кредитлари одатда актив қийматининг 80 % билан чегараланди. Худди шунингдек ижара келишувида қайд қилинган фоизнинг даражаси ставкаси тўғрисида келишиш мумкин, банк кредитлари учун эса сузувчи (ўзгарувчан) фоизнинг даражаси (ставкалари) характерлидир.

Ижара битимларини муомалавий (операцион) ижара сифатида тузиш мумкин, бу ижарачига қарз чегаралари мавжуд бўлганда, балансдан ташқари бўлган ҳисоботни молиялаштиришга йўл очади.

Ишга туширилиши узоқ муддатга тўхтаб туришларга эга бўлган ускуналарни тайёрлашга буюртма беришдан кўра, фойдаланишга тайёр бўлган ускунани ижарага олиш қулайдир.

Баъзида активларга фақат вақгинча, мавсумий ёки бирламчи талаб бўлади, бундай ҳолда ижара доимо фойдаланишда бўлган активларга эгалик қилиш ноқулай бўлган муаммоларини йўқ қилишга ёрдам беради.

Эгалик қилишга нисбатан қисқа муддат ичида активларнинг ижараси ижарачига янги маҳсулотларнинг ва юқори технологик асбоб-ускунанинг эскиришидан «муҳофаза» қилишга имконият беради.

Ижаранинг камчиликлари.

Ижарага олинган активлар қийматининг 100% молиялаштирилиши шунингдек пул кўринишидаги юқори даражадаги фоизларни англатади.

Мавсумий ижарада асбоб-ускуна керак бўлган пайтда топиш мумкин бўлади деб кафолат бериб бўлмайди. Ундан ташқари, чегараланган ижара фоизининг ставкалари (даража-сини) белгиланиши мумкин.

Қисқа муддатли ижара асбоб-ускунанинг бекор туриб эскиришидан ҳимоя қилиши мумкин, аммо қисқа муддатли ижаранинг ижара ҳақи одатда узоқроқ муддатли ижаранинг

ижара ҳақидан баланд бўлади (ижарага берувчи мумкин бўлган эскириш таваккалчилигини (рискини) қоплайди).

Узоқ муддатли ижарада белгиланган ижара даражаси (ставка) ижарага берувчи — кредиторнинг фоиз даражаси (ставкаси) кўтарилганда, зарарлар таваккалчилигига (рискига) бошлайди.

Ёритиш.

Ижарачиларнинг молиявий ҳисоботларида қуйидаги маълумотларни ёритиш зарур:

а) молиявий ижара шартларида ижарага олинган активларнинг қиймати — балансни топишришнинг ҳар бир санасига;

б) ушбу ижарага олинган активлар бўйича мажбуриятлар — бошқа мажбуриятлардан алоҳида жорий ва узоқ муддатли мажбуриятлар орасидаги дифференция орқали;

в) молиялаштирилган ижара ва муддати бир йилдан узоқ муддатда бекор қилинмайдиган муомалавий ижара бўйича минимал тўловлар бўйича мажбуриятлар — тўловларнинг суммаси ва муддатларини кўрсатган ҳолда; ижарани тиклашнинг ҳар қандай янги имкониятларининг хусусияти ёки сотиб олиниши, ҳамда ижара тўловининг кўпайишини назарда тутган шартноманинг моддалари тўқрисидаги маълумотлар;

г) ижара шартномаси бўйича молиявий чеклашлар — қўшимча кредит ва қарзларни ёки кейинги ижарани олишга чекланишлар;

д) кутилмаган ҳодисапарга боғлиқ ҳар қандай ижара тўловларининг хусусияти;

е) ижаранинг охирида бўладиган сарфлар билан боғлиқ бўлмаган кутилмаган ходисалар билан боғлиқ ҳар қандай мажбуриятнинг хусусияти.

Ижарага берувчиларнинг молиявий ҳисоботларида маълумотларни очиб бериш.

Ижарага берувчиларнинг молиявий ҳисоботларида қуйидаги маълумотлар ва тартибларни очиқ бериш лозим:

а) молиявий ижарага қилинган ялпи инвестициялар, ҳамда улар билан боғлиқ молиявий даромад ва ижарага олинган активларнинг кафолатланмаган қолдиқ қиймати;

б) олинган даромадни тақсимлаш жараёнида ишлатиладиган усул, яъни тақсимлаш тартиби;

в) муомалавий ижарага берилган активнинг қиймати ва у билан боғлиқ ҳар бир активнинг гуруҳига оид баланс ҳисоботининг ҳар санасига ҳисобланган амортизация тўловлар.

Молиялаштирилган ижара шароитида ижарага берувчи ижарадор билан берилаётган объектнинг қиймати суммасида ёки ундан ортиқ суммада шартнома тузади ва кўпчилик ҳолларда ушбу ижарага берилган объект ижарачининг мулкига айланади. Шартномада кўрсатилган объектнинг келишилган суммаси 0310 - «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётининг дебитида қайд қилинади. Бу счёт актив инвентар счёти бўлиб, унинг дебети томонида ижарага олинган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва кредити томонида ижарадорнинг мулкига бериш суммаси, сотиб олинган объектларнинг қиймати ёки ижара мажбуриятлари суммасининг ижарага берувчига қайтарилиши акс эттирилади. Натижада 0310- «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти ёпилади.

Ушбу муомалани исботлаш учун “Харакатчи” м.ч.ж. мисолида қуйидаги мисолни келтирамиз:

- МАЗ-387 автомобилига ўрнатилган автокран;

- шартнома баҳоси 3.5 млн.сўм;

- ҳисобот ойида эскириш ҳисобланди 52500 сўм, ушбу сумма қуйидаги счётларда қайд қилинади: Дебет 2310-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счёти ва Кредит 0211-"Лизинг шартномаси олинган асосий" счёти.

0310-«Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ижарага олинган ҳар бир асосий воситанинг инвентар объекти бўйича айрим олинган ҳолда юритилади.

0310- «Молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти

Счётларнинг кредитидан Дебет			Счётларнинг дебетига Кредит	
С- бошлангич қиймат				
6810	Узоқ муддатли ижара	Молиялаштирилган	-0100	
,	шартномасига мувофиқ олинган	ижарага олинган		
7830	объектларнинг қиймати	объектларнинг асо-сий		
-	Ижарага олинган асосий	воситалар қаторига		
	воситаларни қабул қилиш	ўтказилиши		
8511		Шартнома муддати	-0299	
-		тугамасдан қайтарилган		
8513		ижарага		
-				

Счётларнинг кредитидан дебетига Дебет			Счётларнинг дебетига Кредит	
ҳисобига	асосий	воситалар	олинган	объектларнинг
қийматининг ошиши			эскириш қиймати	
			Шартнома	муддати
			тугамасдан	ижарадорга
			қайтарилган	ижара
			объектларининг	ижара -6810
			тўловлари:	-7630
			- ушбу туловларнинг жорий	
			қисмига	

	- ушбу тўловларнинг узоқ муддатли қисмига
--	--

Ҳозирги даврда хўжалик юритувчи субъектлар нафақат объектларни ижарага оладилар, балким ўзидаги вақгинча ишлатилмай турган ортиқча асосий воситаларни бошқа субъектларга ижарага ҳам берадилар. Яъни, ижарага берувчи вазифасини ҳам бажарадилар.

Асосий воситалар ижарага берилаётганда тегишли ижара шартномаси тузилади ва унда ижара шартлари, яъни ижара муддати тўланадиган суммалар, тўлаш вақтлари, тўлаш тартиб-лари ва бошқа шартлар кўрсатилади. Ушбу ижара тўловлари муомалаларини ҳисобга олиш учун 0920-«Олинадиган молия-лаштирилган лизинглар» счёти очилган. Ушбу счёти ижарага берувчи томонидан юритилади.

Тузилган «Далолатнома»га мувофиқ, ижарачига тегишли объект ижарага берилган вақтда унинг баланс қиймати 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимлари» счётининг дебетига ва тегишли 0100- Асосий воситалар" счётининг кредитидан олиб бориладиган ва шартномага асосан келишилган баҳолар ижара суммасининг узоқ муддатли қисми 0920- "Олинадиган молиялаштирилган лизинглар" счётининг дебетига, қисқа муддатли қисим эса 4810-"Молиялаштирилган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар" счётининг дебетига ва умумий сумма 9210-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқимлар" счётининг кредитига кўрсатилади ва фарқ суммаси эса қуйидаги тартибда акс эттирилади: муддати узайтирилган даромад қисми 7290-"Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар" счётида ва жорий даромад қисми эса 6210-"Муддати узайтирилган даромад" счётининг кредитига 9210-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимлар" счётининг дебетидан олиб борилади.

Узоқ муддатли ижара шартномасига асосан ҳисобланпш фоизларнинг жорий қисми 4820-"Олинадиган фоизлар" счётининг дебетиди ва 9530-«Фоиз кўринишидаги даромадлар» счётининг кредитида қайд қилинади. Ижарага берилган асосий воситанинг қолдиқ қиймати билан шартномада келишилган ижара суммасининг ўртасидаги фарқ 7290-"Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар" счётининг дебетидан 9550-"Молиявий лизинг шартномасига асосан берилган мулкдан олинган даромад" счётининг кредитига олиб борилади.

Ижарачилардан олинган ижара ҳақлари тегишли пул маблағлари (5110, 5210, 5220, 5500) счётларининг дебетига 4810-«Лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар» счётининг кредитидан ва олинган фоиз тўловларининг қисмлари 4820-«Олинадиган фоизлар» счётининг кредитида акс этгирилади. Ушбу суммалар кейинчалик 0920-«Олинадиган молиялаштириладиган лизинг» счётининг кредитидан 4810-«Молиявий лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар» счётининг дебетига олиб борилади.

Тегашли объектнинг узоқ муддатли ижара муддатининг охирида 0920-"Олинадиган молиялаштирилган лизинг", 4810-"Молиявий лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар" ва 6210-"Муддати узайтирилган даромад" счётларида қолдиқ қолмайди.

Агарда шартномада белгиланган муддатдан олдин ижарага берилган асосий восита ижарачининг мулкига ўтказилса сотиб олинган баҳосидан ижара тўловларининг суммаси чегирилган ҳолда юқорида келтирилган ижара тўловларини қайд қилиш тартибида счётларда қайд қилинади.

Масалан: "Харакатчи" м.ч.ж. асосий восита «Матиз» автомобиллини ижарага берилди.

- объектнинг бошланғич қиймати 35.000.000 сўм. Дебет 9210-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимлари" счёти ва кредит 0160-"Транспорт воситалари" счёти;

- ижарага бериш санасида объектнинг эскириш суммаси 4.500.000 сум. Дебет 0260-"Траснпорт воситаларининг эскириши" счёти ва кредит 9210-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимлари" счёти.

- тузилган шартномага мувофиқ келишилган ижара ҳақининг суммаси 36.000.000 сўм. Дебет 0920-"Олинадиган мо-лиялаштирилган лизинглар" счёти ва кредит 9210-"Асосий во-ситаларнинг сотилиш ва бошқа чиқимлар" счёти;

- Кўрсатилган даромаднинг миқдори - 5.500.000 сўм. Дебет 9210-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқимлари" счёти ва кредит 9550-"Молиявий лизинг шартномасига асосан берилган мулклардан олинган даромадлар" счёти.

- ҳар ойда ҳисобланадиган тўлов миқдори - 54.000 сўм. Дебет 4820-"Олинадиган фоизлар" счёти ва кредит 9530-"Фоиз кўринишидаги даромадлар" счёти.

- ҳар ойда олинган ижара тўловларининг миқдори 54000 сўм. Дебет 5110-"Ҳисоблашиш счёти" ва кредит 4820-"Олинадиган фоизлар" счёти.

- ҳисобланган даромадларни молиявий натижаларга олиб бориш 648.000 сўм. Дебет 9530-"Фоиз кўринишидаги даромад-лар" счёти ва кредит 9910-"Якуний молиявий натижа" счёти.

0920-«Олинадиган молиялаштирилган лизинг» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир ижара шартномаси бўйича айрим юритилади.

0920-«Молиялаштирилган лизинг бўйича олинадиган тўловлар»

счёти

Счётларнинг

Счётларнинг дебетига

кредитидан Дебет

Кредит

С- ижарачилар қарзининг қолдиғи	
9210- Ижарага берилган объектларнинг шартнома қиймати	Ижара тўловларининг акс эттирилиши:
9530- Ҳар ойда ҳисобланган фоиз суммалари	- кассага нақа пулда -5020
9550- Илгари олинган объектларнинг ижара давридаги тўловларининг суммаси	- пул маблағлари шаклида -5110 - хориж валютасида -5210, 5220 Навбатдаги ижара -4810 тўловларини қайд қилиш

1.3. Бухгалтерия ҳисобида лизинг операцияларини акс эттириш тартиби

Хозирги кунда бизнинг Республикамизда энг кенг тарқалган ижара тури бу албатта лизинг ҳисобопанади. Бухгалтерия ҳисобида лизинг операцияларини акс эттириш тартиби “Бухгалтерия ҳисобида лизинг операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги Низом “(ЎЗР АВ 22.06.2004 й. 1373-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР МВ 12.05.2004 й. 74-сон Буйруғи билан тасдиқланган) асосида тартибга солинган.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 апрелдаги 199-сонли "Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил 17-сон, 197-модда) мувофиқ ишлаб чиқилган ва бухгалтерия ҳисобида лизинг ва ижара операцияларини акс эттиришнинг ягона услубий асосини белгилайди.

Низомга кўра мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунитишдан қатъи назар, (бюджет ташкилотлари, банклар ва кредит уюшмаларидан ташқари) барча хўжалик юритувчи субъектларга (кейинги ўринларда корхона) тадбиқ этилади.

Лизингга берувчида лизинг операцияларининг ҳисоби

Лизинг объектларини сотиб олиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг объектлари уни сотиб олиш билан боғлиқ эгри солиқлар ва йиғимларни қўшган ҳолда (агар улар қопланмаса) кирим қилинганда:

дебет капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" ёки 6120 "Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар" ёки турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) ёки бошқа тегишли счётлар;

б) лизинг объектларини сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар:

дебет капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит 2310 "Ёрдамчи ишлаб чиқариш", 6110 "Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар", 6120 "Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар", турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) ва бошқа тегишли счётлар;

в) лизингга берувчи томонидан амалга оширилган ва лизинг шартномасига мувофиқ лизингга олувчи томонидан қопланадиган лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар:

дебет капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар;

г) лизингга берувчи томонидан амалга оширилган ва лизинг шартномасига мувофиқ лизингга олувчи томонидан қопланмайдиган лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар:

дебет 9430 "Бошқа операцион харажатлар" счёти;

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар;

д) мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа хизмат кўрсатган корхоналар олдидаги қарзларнинг тўланиши (қопланиши):

дебет 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар", 6120 "Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар", турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) ва бошқа тегишли счётлар;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

Агар лизинг шартномасининг шарти бўйича лизинг объекти сотувчи томонидан лизингга берувчини четлаб бевосита лизингга олувчига етказиб берилса, лизингга берувчининг бухгалтерия ҳисобида лизинг объектининг кирими ва чиқими лизинг объектининг ҳаракатини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Агар лизинг шартномасининг шарти бўйича лизингга берувчи томонидан лизинг объекти сотиб олинган бўлса, лекин лизингга олувчи қатор сабабларга кўра уни қабул қилишдан бош тортса, мазкур лизинг объекти, ундан фойдалангунга ёки иқиб кетгунга қадар капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800) да ҳисобга олинади.

Агар минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати лизинг объектининг жорий қийматидан паст бўлса, лизинг лизингга берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича тан олинishi керак.

Агар минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати лизинг объектининг жорий қийматидан юқори бўлса, лизинг лизингга берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида лизинг объектининг жорий қиймати бўйича тан олинishi керак.

Лизинг объектлари лизингга берилганда, лизингга берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинадиган қиймат билан унинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ кечиктирилган даромад (харажат) сифатида акс эттирилади ва лизингга берувчининг даромади ҳисобланишига қараб бир меъёрда (ойма ой) асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари (бошқа операцион харажатлари) га олиб борилади.

Агар лизинг объекти лизингга берилгунга қадар лизингга берувчи томонидан қайта баҳоланган бўлса, лизинг объектини лизингга бериш вақтида кечиктирилган даромад (харажат) лизингга берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинадиган қиймат билан унинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ сифатида резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда қайд қилинган лизинг объектининг қайта баҳолаш

натижаси (қолдиғи) ни, яъни мазкур лизинг объектини олдинги баҳолашлардаги қиймат кўпайиши суммасининг олдинги баҳолашлардаги қиймат пасайиши суммасига нисбатан ортган суммасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Лизинг объектларининг лизинг шартларига мувофиқ лизингга берилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг объектларини лизингга берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинадиган қиймати бўйича лизингга берилиши:

дебет 0920 "Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар" счёти;

кредит 9220 "Бошқа активларнинг чиқиб кетиши" счёти;

б) лизинг объектларининг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 "Бошқа активларнинг чиқиб кетиши" счёти;

кредит капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

в) лизинг объектининг қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ) суммасига:

дебет 8510 "Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар";

кредит 9220 "Бошқа активларнинг чиқиб кетиши" счёти;

г) лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингга беришда кечиктирилган даромадлар юзага келганда:

дебет 9220 "Бошқа активларнинг чиқиб кетиши" счёти;

кредит 7230 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счёти;

д) лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингга беришда кечиктирилган харажатлар юзага келганда:

дебет 0990 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счёти;

кредит 9220 "Бошқа активларнинг чиқиб кетиши" счёти;

Лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингга берилишида вужудга келган кечиктирилган даромадлар ва кечиктирилган харажатларни ҳисобдан чиқариш қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ, лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингга берилишида вужудга келган узоқ муддатли кечиктирилган даромадларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 7230 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счёти;

кредит 6230 "Бошқа кечиктирилган даромадлар" счёти;

б) лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингга берилишидаги кечиктирилган даромадларнинг жорий қисми молиявий натижаларга ўтказиб ҳисобдан чиқарилиши:

дебет 6230 "Бошқа кечиктирилган даромадлар" счёти;

кредит 9390 "Бошқа операцион даромадлар" счёти;

в) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ, лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингга берилишида вужудга келган узоқ муддатли кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 3290 "Бошқа кечиктирилган харажатлар" счёти;

кредит 0990 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счёти;

г) лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингга берилишидаги кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми молиявий натижаларга ўтказиб ҳисобдан чиқарилиши:

дебет 9430 "Бошқа операцион харажатлар" счёти;

кредит 3290 "Бошқа кечиктирилган харажатлар" счёти.

Мулкни лизингга бериш асосий фаолияти ҳисобланган корхоналар, жорий даврга тегишли бўлган лизингга берувчининг ҳисобланган даромади суммаси (лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ) бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттиради:

дебет 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счёти;

кредит 9030 "Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар" счёти.

Мулкни лизингга бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналар, жорий даврга тегишли бўлган лизингга берувчининг ҳисобланган даромади суммаси (лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ) бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттиради:

дебет 4830 "Олинадиган фоизлар" счёти;

кредит 9550 "Узоқ муддатли ижарадан даромадлар" счёти.

Мулкни лизингга бериш асосий фаолияти ҳисобланган корхоналарда лизингга олувчидан лизинг тўловлари келиб тушиши бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ лизинг бўйича олинадиган узоқ муддатли тўловларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 4810 "Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар" счёти;

кредит 0920 "Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар" счёти;

б) лизинг шартномаси бўйича лизингга олувчидан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 4810 "Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар" счёти;

кредит 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счёти;

в) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ тўлов муддати келмаган лизинг тўловлари бўйича лизингга олувчидан бўнак келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 6390 "Бошқа олинган бўнаклар" счёти;

г) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ тўлов муддати келганда лизингга олувчидан олдин олинган бўнаклар қоплашга (ҳисоблашишга) олинганда:

дебет 6390 "Бошқа олинган бўнаклар" счёти;

кредит 4810 "Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар" счёти;

кредит 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счёти.

Мулкни лизингга бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналарда лизингга олувчидан лизинг тўловлари келиб тушиши бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ лизинг бўйича олинadиган узоқ муддатли тўловларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 4810 "Узоқ муддатли ижара бўйича олинadиган жорий тўловлар" счёти;

кредит 0920 "Узоқ муддатли ижара бўйича олинadиган тўловлар" счёти;

б) лизинг шартномаси бўйича лизингга олувчидан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 4810 "Узоқ муддатли ижара бўйича олинadиган жорий тўловлар" счёти;

кредит 4830 "Олинadиган фоизлар" счёти;

в) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ тўлов муддати келмаган лизинг тўловлари бўйича лизингга олувчидан бўнак келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 6390 "Бошқа олинган бўнаклар" счёти;

г) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ тўлов муддати келганда лизингга олувчидан олдин олинган бўнаклар қоплашга (ҳисоблашишга) олинганда:

дебет 6390 "Бошқа олинган бўнаклар" счёти;

кредит 4810 "Узоқ муддатли ижара бўйича олинadиган жорий тўловлар" счёти;

кредит 4830 "Олинadиган фоизлар" счёти;

Лизинг шартномаси тугагандан кейин лизингга олувчи томонидан лизинг объектларининг қайтарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг шартномасига мувофиқ лизинг объектининг қопланмаган қиймати суммасига:

дебет капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит 4810 "Узоқ муддатли ижара бўйича олинadиган жорий тўловлар" счёти;

б) лизингга олувчи томонидан амалга оширилган лизинг объектларини яхшилаш харажатларини лизингга берувчи томонидан қоплаш учун тан олиниши:

дебет капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

в) лизинг шартномасига мувофиқ лизингга берувчи томонидан амалга оширилган лизинг объектларини қайтариш бўйича харажатлар (бузиш, ташиш ва бошқалар) суммасига:

дебет 9430 "Бошқа операцион харажатлар" счёти;

кредит меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар;

г) лизингга олувчи томонидан амалга оширилган лизинг объектларини яхшилаш харажатларини қоплаш учун пул маблағлари ўтказилганда:

дебет турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

Лизингга олувчи томонидан лизинг объектларининг муддатидан олдин қайтарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг шартномасига мувофиқ лизинг тўхтатилган санадаги лизинг объектининг қопланмаган қиймати суммасига:

дебет капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит 4810 "Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар" счёти жорий қисми;

кредит 0920 "Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар" счёти узоқ муддатли қисми;

б) лизингга олувчи томонидан амалга оширилган лизинг объектларини яхшилаш харажатларини лизингга берувчи томонидан қоплаш учун тан олиниши:

дебет капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

в) лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингга берилишидаги кечиктирилган даромадларнинг қолган суммаларини молиявий натижаларга ўтказиб ҳисобдан чиқариш:

дебет 6230 "Бошқа кечиктирилган даромадлар" счёти жорий қисми;

кредит 7230 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счёти узоқ муддатли қисми;

кредит 9390 "Бошқа операцион даромадлар" счёти;

г) лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингга берилишидаги кечиктирилган харажатларнинг қолган суммаларини молиявий натижаларга ўтказиб ҳисобдан чиқариш:

дебет 9430 "Бошқа операцион харажатлар" счёти;

кредит 3290 "Бошқа кечиктирилган харажатлар" счёти жорий қисми;

кредит 0990 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счёти узоқ муддатли қисми;

д) лизинг шартномасига мувофиқ лизингга берувчи томонидан амалга оширилган лизинг объектини қайтариш бўйича харажатлар (бузиш, ташиш ва бошқалар) суммасига:

дебет 9430 "Бошқа операцион харажатлар" счёти;

кредит меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар;

е) лизингга олувчи томонидан амалга оширилган лизинг объектини яхшилаш харажатларини қоплаш учун пул маблағлари ўтказилганда:

дебет турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

Лизингга олувчида лизинг операцияларининг ҳисоби

Лизинг шартномаси бўйича олиб келинган лизинг объектлари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг объектларини лизингга олувчининг бухгалтерия ҳисобида актив ва мажбурият сифатида тан олинадиган қиймати бўйича кирим қилиш:

дебет капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит 7910 "Тўланадиган узоқ муддатли ижара" счёти;

б) лизинг объектларини белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасига:

дебет капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар;

в) лизинг объектларини бошланғич қиймати бўйича фойдаланишга топширилиши (уларни асосий воситалар таркибига ўтказилиши):

дебет 0310 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар" счёти;

кредит капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800).

Лизинг бўйича фоизларни ҳисоблаш ва лизингга берувчига лизинг тўловларини тўлаш бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ лизинг бўйича узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 7910 "Тўланадиган узоқ муддатли ижара" счёти;

кредит 6950 "Узоқ муддатли мажбуриятлар жорий қисми" счёти;

б) лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар суммасига:

дебет 9610 "Фоиз кўринишидаги харажатлар" счёти;

кредит 6920 "Ҳисобланган фоизлар" счёти;

в) лизингга берувчига лизинг тўловларининг жорий қисми тўланганда:

дебет 6920 "Ҳисобланган фоизлар" счёти;

дебет 6950 "Узоқ муддатли мажбуриятлар жорий қисми" счёти;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

г) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ тўлов муддати келмаган лизинг тўловлари бўйича лизингга берувчига бўнак тўланганда:

дебет 4330 "Бошқа берилган бўнақлар" счёти;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

д) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ тўлов муддати келганда лизингга берувчига олдин тўланган бўнақлар қоплашга (ҳисоблашишга) олинганда:

дебет 6920 "Ҳисобланган фоизлар" счёти;

дебет 6950 "Узоқ муддатли мажбуриятлар жорий қисми" счёти;

кредит 4330 "Бошқа берилган бўнақлар" счёти.

Лизинг объектини яхшилаш (ободонлаштириш, қўшимча қуриш, қўшимча асбоб ускуналар билан таъминлаш, реконструкция, модернизация қилиш, техник қайта қурилантириш ва бошқа) харажатлари суммаси, лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар қийматини кўпайтирувчи капитал қуйилмалар сифатида бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) капитал қуйилмалар амалга оширилганда:

дебет 0860 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қуйилмалар" счёти;

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар;

б) капитал қуйилмаларни асосий воситалар таркибига ўтказилганда:

дебет 0112 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш" счёти;

кредит 0860 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қуйилмалар" счёти;

в) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришга эскириш ҳисобланганда:

дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 счётлар ва лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг белгиланган мақсадига қараб бошқа счётлар);

кредит 0212 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши" счёти.

Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни лизингга олувчининг мулкига ўтиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни хусусий асосий воситалари таркибига ўтказилганда:

дебет асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100 асосий воситаларнинг турлари бўйича);

кредит 0310 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар" счёти лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматига;

кредит 0112 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш" счёти лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматига;

б) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни хусусий асосий воситалар таркибига ўтказилганда, улар бўйича жамғарилган эскириш суммасини ўтказиш (кўчириш):

дебет 0299 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши" счёти лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар бўйича жамғарилган эскириш суммасига;

дебет 0212 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши" счёти лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш бўйича жамғарилган эскириш суммасига;

кредит асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200 асосий воситаларнинг турлари бўйича);

в) лизинг шартномаси бўйича асосий қарзнинг қопланмаган қолдиғини тўлаш:

дебет 6950 "Узоқ муддатли мажбуриятлар жорий қисми" счёти жорий қисми;

дебет 7910 "Тўланадиган узоқ муддатли ижара" счёти узоқ муддатли қисми;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

Лизингга берувчига лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар қайтарилганда бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар амалга оширилади:

а) бошланғич (қайта тиклаш) қийматига:

дебет 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

кредит 0310 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар" счёти лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматига;

кредит 0112 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш" счёти лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматига;

б) жамғарилган эскириш суммасига:

дебет 0299 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши" счёти лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар бўйича жамғарилган эскириш суммасига;

дебет 0212 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши" счёти лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш бўйича жамғарилган эскириш суммасига;

кредит 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

в) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш қийматининг лизингга берувчи томонидан қопланадиган суммасига:

дебет 4890 "Бошқа дебиторлар қарзлари" счёти;

кредит 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

г) лизинг шартномаси бўйича олинган мазкур асосий воситалар объектини қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ) суммасига:

дебет 8510 "Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" счёти;

кредит 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

д) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) бўйича асосий қарзнинг қопланмаган қолдиғи суммасига:

дебет 6950 "Узоқ муддатли мажбуриятлар жорий қисми" счёти жорий қисми;

дебет 7910 "Тўланадиган узоқ муддатли ижара" счёти узоқ муддатли қисми (лизинг шартномаси муддати тугагунга қадар қайтарилган ҳолларда);

кредит 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

е) лизинг шартномасига мувофиқ лизингга олувчи томонидан амалга оширилган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайтариш бўйича харажатлар (бузиш, ташиш ва бошқалар) суммасига:

дебет 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар;

ж) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайтаришдан фойда кўрилганда:

дебет 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

кредит 9310 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда" счёти;

з) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайтаришдан зарар кўрилганда:

дебет 9430 "Бошқа операцион харажатлар" счёти;

кредит 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

и) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш бўйича харажатларни қоплаш учун лизингга берувчидан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 4890 "Бошқа дебиторлар қарзлари" счёти.

2 – БОБ. Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ва уларни ижараси муомилалари аудити.

2.1. Асосий воситалар аудитининг аҳамияти ва фойдаланиладиган маълумот манбалари.

Асосий воситалар маълумки ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда фаолиятни ташкил этишнинг энг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Асосий воситаларни аудитдан ўтказишда аудитор уз тузган иш режаси ҳамда корхона ҳисоб сиёсатига катта эътибор қаратмоғи лозим.

Асосий воситаларни аудиторлик текширувидан ўтказиш мижоз корхона фаолияти умумий аудитининг бир қисми ҳисобланади. Унинг мақсади бухгалтерия ҳисоботи асосий воситалар бўлимининг ишончилиги тўғрисида фикр шакллантириш ва корхонада асосий воситалар билан боғлиқ муомалаларни ҳисобга олиш ҳамда солиққа тортиш услубиётини ташкил этишнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Асосий воситалар аудити аудиторлик текширувининг муҳим объектларидан бири бўлиб, ундаги ўрганиладиган масалалар кенг қамровли ва уларнинг барчасини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

Асосий воситаларни аудиторлик текширувдан ўтказишда фойдаланиладиган манбалар бухгалтерлик ҳисобнинг корхонада қабул қилинган ташкилий шаклига ҳам боғлиқ. Булар ҳисобни қўлда юритиш шароитида: журнал-ордерлар, ведомостлар, карточкалар: автоматлаштирилган ҳисоб шароитида эса компьютер дастурлари, машинаграммларидир. Лекин шуни унутмаслик керак-ки, ҳисоб-нинг ҳар қандай шакли шароитида ҳам асосий воситаларнинг ҳара-катиға оид муомалалар (кирими, чиқими, хўжалик ичидаги силжи-ши, таъмирланиши) меъёрий ҳужжатлар ва дастлабки ҳужжатлаш-тиришнинг унификацияланган идоралараро шакллари билан рас-мийлаштирилиши лозим. Улар қаторига қуйидагилар киради:

- * асосий воситалар бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш масалаларини тартибга соладиган асосий меъёрий ҳужжатлар;
- * корхонанинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруги;
- * асосий воситаларни ҳисобга олишда корхонада қўлланиладиган аналитик ва синтетик ҳисоб регистрлари;
- * бухгалтерия ҳисоботлари;
- * асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш (ички силжиш) далолатномаси (накладной) (АВ-1 шакл);
- * таъмирланган, қайта жиҳозланган ва замонавийлаштирилган объектларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси (АВ-2 шакл);
- * асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси (АВ-3 шакл);
- * автотранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш далолатномаси (АВ-4 шакл);
- * асосий воситаларни ҳисобга оладиган инвентарь карточка (АВ-6 шакл);
- * асосий воситаларни ҳисобга оладиган инвентарь карточкалар рўйхати (АВ-7 шакл);
- * асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга оладиган карточка (АВ-8 шакл);
- * асосий воситаларнинг инвентар рўйхати (ишлатиш жойлари бўйича) (АВ-9 шакл).

Аудитор ушбу меъёрий ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари ва дастлабки ҳужжатларда асосий воситалар ҳаракатини расмийлаштириш учун жавобгар шахслар имзоларининг мавжудлиги ва ҳаққо-нийлигига эътибор қаратиб, барча реквизитларнинг тўғри тўлға-зилганлигини аниқлайди.

Аудитор корхонанинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқда баён қилинган - асосий воситаларни ҳисобга олиш услубиёти билан танишиб чиқиши лозим. Бунда хусусан қуйидагиларни аниқлаш зарур:

- * объектларни асосий воситалар ва айланма маблағлар қато-рига олиб бориш учун улар қийматининг белгиланган чегаралари;

- * қийматидан қатъий назар асосий воситалар қаторига олиб бориладиган объектлар рўйхати;
- * асосий воситалар бўйича амортизация ҳисоблаш усуллари;
- * асосий воситаларни таъмирлаш учун қилинган харажатларни акс эттириш тартиби;
- * ҳисобот йилининг 1 январ ҳолатига асосий воситаларни қайта баҳолаш кўзда тутилганлиги;
- * асосий воситаларни инвентаризация қилиш муддатлари;
- * асосий воситалар мавжудлиги ва ҳаракатига доир муома-лаларни ҳисобга олиш учун *ишчи счётлар режаси*да белгиланган счётлар рўйхати.

Асосий воситалар мавжудлиги ва ҳаракатига доир муомалалар-ни ҳисобга олишда қўлланиладиган ва текширувда аудитор томо-нидан жалб қилинадиган, синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари бухгалтерия ҳисобининг корхонада қўлланилаётган шаклига боғлиқ. Уларга 0110-0199, 0211-0299, 0310 счётлар бўйича синтетик ҳисоб регистрлари, синтетик ва аналитик ҳисоб бўйича оборот ведо-мостлари, сальдо ведомостлари киради.

Асосий воситалар ҳаракатига доир муомалалар, одатда, даст-лабки ҳужжатларнинг унификацияланган (ягона шаклга келтирил-ган) шакллари билан, айрим ҳолларда эса корхонада ишлаб чиқил-ган ва ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқ билан тасдиқланган даст-лабки ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

Аудитор текширув чоғида молиявий ҳисоботнинг қуйидаги шакллари-дан фойдаланади:

- * бухгалтерия баланси (1-шакл);
- * молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл);
- * асосий воситалар тўғрисида ҳисобот (3-шакл);
- * пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл);
- * хусусий капитал тўғрисида ҳисобот (5-шакл);
- * изоҳлар, ҳисоб-китоблар, тушунтиришлар.

Бухгалтерия баланси (1-шакл)да корхонага мулкӣ ҳуқуқ асо-сида, тезкор бошқарув ва ҳўжалик юритиш учун тааллуқли бўлган асосий воситалар I - «Узоқ муддатли активлар» бўлимидаги «Асосий воситалар» моддасида бошланғич қиймати, эскириш ва қолдиқ қийматлари бўйича батафсил берилади. Асосий воситалар балансида НЕТТО баҳоси яъни қолдиқ қиймати бўйича акс этти-рилади (белгиланган тартибга мувофиқ қиймати қопланмайдиган (амортизация ҳисобланмайдиган) асосий воситалар объектларидан ташқари).

«Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот» (3-шакл) бўйича қуйидагилар тўғрисидаги маълумотлар ўрганилади:

- * асосий воситалар алоҳида турларининг ҳисобот даври боши ва охирига мавжудлиги ҳамда ҳисобот даври давомидаги ҳаракати (кирими, чиқими). Асосий воситалар дастлабки қиймати (тиклаш қиймати) бўйича кўрсатилади;
- * барча асосий воситалар, шунингдек уларнинг айрим гуруҳ-лари: бинолар ва иншоотлар, машиналар, қурилмалар, транспорт воситалари ва бошқалар;
- * бутунлигича ёки айрим турлари (бинолар, иншоотлар ва ҳоказо) бўйича ижарага берилган асосий воситаларнинг ҳисобот даври бошига ва охирига мавжудлиги;
- * консервацияга қўйилган асосий воситаларнинг ҳисобот даври боши ва охирига мавжудлиги.

Молиявий ҳисоботга тушунтириш ва изоҳларда №1 «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) даги қоидалардан келиб чиқиб, қуйидагилар тўғрисидаги ахборотлар баён қилинади (очиқ берилади):

- * асосий воситалар бухгалтерия ҳисобига қабул қилингандаги қийматининг ўзгариши (қўшимча қуриш, қўшимча жиҳозлаш, қайта жиҳозлаш ва қисман тугатиш ҳоллари ҳам қўшилиб);
- * корхонада асосий воситаларнинг фойдали хизмат қилиш муд-датларини белгилаш (асосий гуруҳлари бўйича);

* қиймати қопланмайдиган (амортизация қилинмайдиган) асосий воситалар;

Аниқланган хатолар аудиторлик ҳисоботида тафсилотлари билан акс эттирилиши лозим. Зарур ҳолларда аудитор қарама-қарши текширув ўтказиши ҳам мумкин.

Амалиётда асосий воситалар ҳаракатига оид муомалаларини ихтиёрий шаклдаги (ўзбошимча тузилган) ҳужжатлар билан рас-мийлаштириш каби қонунбузарлик ҳоллари ҳам кўплаб учрайди.

2.2. Асосий воситаларнинг мавжудлиги ва сақланишини текшириш.

Асосий воситалар мавжудлиги ва сақланишини аудиторлик текширувидан ўтказишдан мақсад бухгалтерия ҳисоботи моддала-рининг ҳаққонийлигини таъминлашдан иборат.

Бунда аудитор қуйидагиларни текшириши лозим: қиймати кор-хонада белгилаб қўйилган чегарадан паст бўлган объектлар ёки қийматидан қатъий назар хизмат муддати 12 ойдан кам бўлган объектлар асосий воситалар қаторига ўтиб қолмаганлиги; корхонада асосий воситалар инвентарь ва хўжалик ашёлари қаторига ва аксинча ўтказилмаганлиги; бунда шуни назарда тутиш зарурки, объект қийматининг чегараси объектни сотиб олиш (фойдаланишга топшириш) санасига аниқланади. Асосий воситаларни инвентарь ва хўжалик ашёлари қаторига асоссиз ўтказиш аудиторлик текшируви чоғида аниқланадиган хатолардан биридир. Кўп ҳолларда бундай ўтказишнинг сабаби корхонанинг амортизация ҳисоблаш ишларини камайитишга интилиши ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви чоғида корхонанинг асосий воситалар объектларига **мулк**ий **ҳуқуқ**ининг талаб даражасида расмийлаштирилганлигини исботлаш зарур.

Аудиторга асосий воситалар объектларини яратиш, сотиб олиш, бериш шартномалари, зарур ҳолларда эса - қонунчиликка мувофиқ олди-соттини рўйхатга олиш гувоҳномаси тақдим қилинади.

Асосий воситаларнинг тўғри баҳоланганлигини аниқлаш асосий воситалар мавжудлиги ва ҳаракатини текшириш чоғидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, мулк солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар, шунингдек корхона фаолиятининг молиявий натижаларини акс эттириш ва ҳисобот тузиш шунга боғлиқ.

Аудитор текширув ўтказишда асосий воситаларни ҳисобга қабул қилиш учун асос бўлган дастлабки ҳужжатларни (АВ-1, АВ-6 ва бошқа шакллар) жалб қилади.

Асосий воситаларни баҳолашнинг тўғрилигини текшириш ёппасига (объектлар сони унчалик катта бўлмаганда) ёки танлаб ўтказилади.

Асосий воситаларни баҳолаш ва дастлабки қийматини аниқлаш амалдаги қоидаларга мувофиқ амалга оширилади ҳамда асосий воситалар объектларини сотиб олиш усулига боғлиқ.

Аудитор Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ асосий воситалар олди-сотди шартномаларининг мавжудлиги ва расмийлаштирилишини, айрим харажатларни асосий воситалар қийматига қўшишнинг қонунийлигини; тугалланган қурилиш объектлари инвентар қийматининг тўғри аниқланганлиги; қўшимча қурилганидан ва қўшимча жиҳозланганидан, қайта жиҳозланганидан, замонавийлаштирилганидан ёки қисман тугатилганидан сўнг объект қиймати тўғри аниқланганлигини текширади.

Бунда аудитор №21 БХМС га мувофиқ киритилган ўзгартишларга алоҳида эътибор қаратиши зарур. Хусусан, асосий воситаларни сотиб олиш ва қуриш билан боғлиқ, аммо белгиланган тартибга кўра асосий воситаларнинг дастлабки қийматига қўшилмайдиган харажатлар 01. 01. 2002 дан объектларнинг дастлабки қийматига қўшилмасдан, 9439 счёт дебетига олиб борилганлигига эътибор бериши керак.

Аудитор баҳоларни келишиш баённомаси ва таъсис ҳужжатларида асосий воситалар баҳоланишининг акс эттирилиши; бошқа харажатларни асосий воситалар дастлабки қийматига қўшишнинг қонунийлиги; бозор баҳоларини қўллашнинг ишончлилигини текширади.

Асосий воситалар бозор баҳосини аниқлаш учун айнан шуларга ўхшаш маҳсулотлар баҳолари тўғрисида тайёрловчи - ташкилотларнинг ёзма равишда берган маълумотларидан; оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда эълон қилинган баҳолар тўғрисидаги маълумотлардан; айрим асосий воситалар объектларининг қиймати тўғрисида эксперт хулосаларидан фойдаланиш мумкин. Бундай асосий воситаларни ташиб келтириш бўйича корхона томонидан қилинган харажатлар ҳам объект қийматига қўшилади.

Чет эл валюталари ҳисобига сотиб олинган асосий воситаларни баҳолаш чет эл валютасини Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган, асосий воситалар объектини сотиб олиш санасига амал қилаётган валюта курси бўйича сўмга ҳисоблаб ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Аудитор контракт шартларига мувофиқ мулкка эгалик ҳуқуқининг ўтиш вақти тўғри аниқланганлиги; асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ божхона тўловлари ва бошқа чиқимларнинг сотиб олинган асосий воситалар қийматига қўшилганлигини текшириши лозим.

Аудитор асосий воситаларни баҳолашнинг тўғрилигини текшириш чоғида асосий воситалар дастлабки қийматининг ўзгариш ҳоллари бўлганлигига, қандай сабаблар (қўшимча қуриш, қўшимча жиҳозлаш, қайта жиҳозлаш, қисман тугатиш) ўзгаришга олиб келганлигига, капитал қўйилмаларга доир харажатлар 0810, 0820, 0840, 0850, 0860 ва 0890 счётларда акс эттирилганлигига эътибор қаратиши лозим.

Сўнги йилларда асосий воситаларни қайта баҳолашни текшириш муҳим аҳамият касб этмоқда. 21-БХМСга мувофиқ корхоналарда асосий воситалар объектларини қайта баҳолаш суммалари 8530—«Мулкларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида акс эттирилади. Бундай текширув қайта баҳолаш натижалари расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Бунда аудитор қуйидагиларни текшириши лозим: барча асосий воситалар тўлиғига ёки уларнинг бир қисми қайта баҳоланганлиги; асосий воситалар таркибида ҳисобда турган ер участкалари ва табиий фойдаланиш объектлари қайта баҳоланганлиги; қайта баҳолаш қандай усуллар ёрдамида ўтказилганлиги (индексация қилиш ёки ҳужжат билан тасдиқланган бозор баҳолари бўйича тўғридан-тўғри ҳисоблаб ўтказилиши ва ҳ. к.); бозор баҳоларини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг мавжудлиги; ҳисоб-китоблар тўғрилигини танлаб текшириш; қайта баҳолашдан сўнг эскирганлик даражаси ўзгарганлиги, қайта баҳолаш натижаларининг инвентарь

карточкаларида акс эттирилганлиги, қайта баҳолаш натижаларининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлиги, қайта баҳолаш натижаларининг ҳисобот тузишда ҳисобга олинганлиги ва шунга ўхшашлар.

Асосий воситалар мавжудлигини текшириш учун аналитик ҳисобни ташкил этиш ўрганилади. (бу ҳақда кейинги мавзуда батафсил маълумот берилади). Шунингдек, аудитор асосий воситалар қандай сақланаётганлигини ва уларни инвентаризация қилиш натижаларини ҳам текшириши лозим.

Асосий воситаларни инвентаризация қилишни текширишда аудитор дастлабки ҳужжатлар - инвентаризация рўйхатлари (инв-1, инв-10, инв-18 шакллар), инвентаризация комиссияси мажлис баённомаларини, инвентаризация натижалари бўйича корхона раҳбариятининг қарорини ўрганади.

Инвентаризация материалларини текшириш аудиторга аудиторлик рисклари ва аудиторлик амалларини тузатиш учун, ички назорат натижаларига қанчалик таяниш мумкинлигига ишонч ҳосил қилиши учун зарур.

Бунда у инвентаризация ўтказишда №19 – «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» номли БҲМС умумий қоидаларига, хусусан 24-29 бандларига риоя қилинганлигини аниқлайди. Шу билан бирга аудитор инвентаризация натижасида ошиқча ва кам чиққан асосий воситаларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилиши ва солиққа тортилишининг тўғрилигини ҳам текширади. Бунда аудитор Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 23 июнь 2001 йилда 1054-рақам билан рўйхатга олинган «Инвентаризацияда аниқланган мулклар камомоди ва ошиқча чиқишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва солиққа тортиш тўғрисидаги қарор»га риоя қилинганлигини текширади.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ инвентаризацияда аниқланган асосий воситалар камомоди бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда акс эттирилади:

а) Кам чиққан асосий воситалар объектининг дастлабки (тиклаш)

қийматини ҳисобдан ўчиришда

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқими» счети

Кредит 0100-«Асосий воситаларни ҳисобга оладиган счотлар» (0110-0199)

б) Кам чиққан асосий воситалар объекти бўйича ҳисобланган амортизация суммасини ҳисобдан ўчириш.

Дебет 0200-«Асосий воситалар эскиришини ҳисобга оладиган счотлар» (0211-0299).

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқими» счети

в) Кам чиққан асосий воситалар объектининг қолдиқ қийматига

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счети

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиш ва турли чиқими» счети

Агар баҳолаш натижасида объектнинг бозор қиймати (ундириладиган сумма) кам чиққан объект қолдиқ қийматидан юқори бўлса, олинган даромад суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 4730 –«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари» счети айбдор ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим

Кредит 9430 – «Бошқа операцион харажатлар» счети айбдор ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим

Кредит 9310 – «Асосий воситаларнинг чиқимидан олинган фойда» счети айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган бозор қиймати ва қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ суммага (олинган даромад)

Олинган даромад суммаси умумий белгиланган тартибда солиққа тортилади.

Агар баҳолаш натижасида объектнинг бозор баҳоси (ундириладиган сумма) кам чиққан объектнинг қолдиқ қийматидан паст бўлса, қўрилган зарар суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) Дебет 4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари» счёти айбдор ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган бозор қийматига.

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счёти тегишли аналитик счёти – айбдор ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган бозор қиймати ва қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ суммага (кўрилган зарар суммасига)

Кредит 9430 - «Бошқа операцион харажатлар» счётининг «Моддий бойликларнинг камомади ва бузулиши бўйича зарарлар» аналитик счёти кам чиққан асосий восита объектнинг қолдиқ қийматига.

Кўрилган зарар суммаси даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солиққа тортиладиган базага қўшилади.

Камомаднинг аниқ айбдор топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда кам чиққан асосий воситаларни ҳисобдан ўчириш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

а) Кам чиққан асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) қийматини ҳисобдан ўчириш.

Дебет 9210 – «Асосий воситаларнинг чиқими»

Кредит 0100 – «Асосий воситаларни ҳисобга оладиган счётлар» (0110-0199)

б) амортизация суммасини ҳисобдан ўчириш

Дебет 0200 – «Асосий воситалар эскиришини ҳисобга оладиган счётлар» (0211-0299)

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқими» счёти.

в) Кўрилган зарар суммасини ҳисобдан ўчириш.

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счётининг «Асосий воситалар реализацияси ва турли чиқими бўйича зарарлар» аналитик счёти

Кредит 9210 – «Асосий воситаларнинг чиқими» счёти.

Кўрилган зарар суммаси даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солиққа тортиладиган базага қўшилади.

Инвентаризацияда аниқланган ҳисобга олинмай қолган асосий воситалар объектлари шуларга ўхшаш объектларнинг ошиқча чиқиш аниқланган санадаги бозор қиймати бўйича уларнинг ҳақиқий аҳволини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади (ошиқча чиқиш сабаблари ва айбдор шахслар кейинчалик аниқланади) ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) Ҳисобга олинмай қолган асосий воситаларни бозор баҳоси бўйича киримга олиш.

Дебет 0100 – Асосий воситаларни ҳисобга оладиган счетлар» (0111-0199)

Кредит 9310 – «Асосий воситаларнинг чиқимидан олинган фойда.

Олинган даромад суммаси умумий белгиланган тартибда солиққа тортилади.

Ҳисобга олинмай қолган асосий воситалар бўйича амортизация улар асосий воситалар таркибига қўшилган пайдан бошлаб умумий белгиланган тартибда ҳисобланади.

Кузатиб чиқиш амаллари ёрдамида асосий воситаларга доир қуйидаги маълумот манбаларининг ўзаро мослигини текшириш амалга оширилади:

- * молиявий ҳисобот шакллариининг асосий воситаларга доир кўрсаткичлари;
- * молиявий ҳисобот шакллари ва бош дафтар кўрсаткичлари;
- * Бош дафтар, синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари кўрсаткичлари.

Молиявий ҳисоботнинг асосий воситаларга доир шакллари кўрсаткичларини ўзаро таққослаш натижалари жадвалда кўрсатилган шакл бўйича ишчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши мумкин.

2-жадвал

**Молиявий ҳисоботнинг асосий воситаларга доир ҳисобот шакллари
кўрсаткичларининг ўзаро мослигини текшириш.**

№	Кўрсаткичлар	м. с.	№	Кўрсаткичлар	м. с.	Фарқи	
						минг сўм	%
1	Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати: а)йил бошига (010- сатр, 3-устун) б)йил охирига (010- сатр, 4-устун)	143261, 0 149118, 0	3	Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати: а)йил бошига (130-сатр, 3- устун) б)йил охирига (130-сатр, 4- устун)	143261, 0 149118, 0	-	-
1	Асосий воситаларнинг эскириши: а) йил бошига (011- сатр, 3-устун) б)йил охирига (011- сатр, 4-устун)	17776, 0 26009, 0	3	Асосий воситаларнинг эскириши: а)йил бошига (130-сатр, 7- устун) б)йил охирига (130-сатр, 10- устун)	17776, 0 26009, 0	-	-
1	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати: а) йил бошига (012- сатр, 3-устун)	125485, 0 123109, 0	3	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати: а) йил бошига	125485, 0	-	-

б)йил охирига (012-сатр, 4-устун)		(130-сатр, 11-устун) б)йил охирига (130-сатр, 12-устун)	123109, 0		
-----------------------------------	--	--	-----------	--	--

Бухгалтерия ҳисоботи ва Бош дафтар (ёки тегишли ҳисоб регистрлари) кўрсаткичларининг мослигини текширишда №3 шаклдан фойдаланилади.

Ушбу амалларни бажариш натижалари қуйидаги тарзда расмийлаштирилади.

3-жадвал

**Молиявий ҳисоботнинг асосий воситалар бўлими бўйича
кўрсаткичларни Бош дафтар билан таққослаш.**

Ҳисобот			Бош дафтар				
№	Сатр номи	сўм★	Счёт шифри	Счёт номи	Сўм	Фарқи	
						Сўм	%
3	Жами асосий воситалар йил бошига бошланғич қиймати (130-сатр, 3-устун)	143261, 0	0110-0190	Счётнинг ҳисобот йилининг 01. 01. га қолдиги	143261, 0	-	-
3	Жами асосий воситалар йил охирига бошланғич қиймати (130-сатр, 6-устун)	149118, 0	0110-0190	Счётнинг ҳисобот йили 31. 12 га қолдиги	149118, 0	-	-

3	Асосий воситалар эскириши, йил бошига (130-сатр, 7-устун)	17776, 0	0210-0290	Счётнинг ҳисобот йили 01. 01. га қолдиги	17776, 0	-	-
3	Асосий воситалар эскириши йил охирига (130-сатр, 10-устун)	26009, 0	0210-0290	Счётнинг ҳисобот йили 31. 12 га қолдиги	26009, 0	-	-
3	Асосий воситалар кимири (ишга туширилиши) (130-сатр, 4 устун)	12730, 0	0110-0190	Счётларнинг ҳисобот давридаги дебет оборотлари суммаси	12730, 0	-	-
3	Асосий воситалар чиқими (130-сатр, 5-устун)	6873, 0	0110-0190	Счётларнинг ҳисобот давридаги дебет оборотлари суммаси	6873, 0	-	-



- тегишли счётлар қолдиқларининг йигиндиси олинади.

Кейинчалик Бош дафтар маълумотларини синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари кўрсаткичлари билан солиштириш натижалари бўйича текширув давом эттирилади. Асосий воситалар аналитик ҳисобининг инвентар карточкалари маълумотлари билан таққосланади. Аудитор асосий воситалар гуруҳлари бўйича ҳаракат кўрсаткичларини инвентар карточкалар бўйича аналитик ҳисоб маълумотлари билан мослигини текшириши мумкин. Аудитор текширувнинг мазкур босқичида кузатиб чиқиш амаллари ёрдамида

дастлабки ҳужжатлар маълумотларининг аналитик ва синтетик ҳисоб регистрларида акс эттирилишини, Бош дафтар ёзувларини текширади. Натижада у асосий воситалар ҳаракатига доир муомалалар бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлигига ишонч ҳосил қилади.

2.3.Лизинг ва ижара муомилалари аудити.

Корхонадаги асосий воситалар ўзиники ва лизинг шартномаси асосида олинган бўлиши мумкин. Ўз асосий воситалари корхонага тегишли бўлиб, лизингга олинганлари эса оператив (қисқа муддатли) ва молияланадиган (узок муддатли) лизинг шарти билан олинган бўлади. Лизинг олувчи ва лизинг берувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар Фуқаролик Кодекси, Лизинг тўғрисидаги қонун ва бошқа тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилинган ҳолда, ёзма равишда тузилган ижара шартномасига мувофиқ тартибга солиб турилади.

Оператив лизинг бўйича олинган асосий воситаларни текширишда, аввало, ижара шартномаларининг мавжудлиги, тўғри тузилганлиги, асосий воситани қабул қилиб олиш ҳисоби ва корхонада ҳисоб юритиш тартибига жиддий эътибор бериш зарур.

Оператив лизинг бўйича олинган асосий воситалар ҳисоби балансдан ташқари 001 счётада юритилиши лозим. Лизинг олувчи корхонанинг бухгалтериясида лизингга олинган ҳар бир объектнинг лизинг берувчи корхонадаги инвентар карточкаси (АВ-6 шакл) дан олинган нусха бўлиши керак. Асосий воситани лизингга қабул қилиш ҳам АВ-1 шаклдаги далолатнома билан расмийлаштирилган бўлиши лозим.

Лизинг берувчи корхоналар оператив лизинг бўйича берилган асосий воситалар учун лизинг олувчи корхонадан олиниши лозим бўлган тўловни (қўшилган қиймат солиғи билан бирга) операцион даромадлар таркибига (Дт 4810 счёта Кт 9350) киритади. Лизингга берилган мулкнинг эскириш суммасини эса операцион харажатлар таркибига қўшади (Дт 9350, Кт 0220) яъни олинган даромад эскириш суммасига камайтирилади. Бунда лизинг берувчи корхона бюджетга қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ҳисоблайди (Дт 9350, Кт 6410) ва тўлайди (Дт 6410, Кт 5110).

Лизинг олувчи корхоналар оператив (қисқа муддатли) лизинг учун тўланадиган лизинг тўлови суммаларини ишлаб чиқариш харажатларига

кўшадилар (2010, 2310, 2310, 2710 счётлар дебети ва 6910-счёт «Тўланадиган қисқа муддатли ижара ҳақи» счёти кредити) тўланадиган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) суммаси (4410 счёт дебети ва 6910 счётнинг кредити) акс эттирилади.

Ижарага олинган асосий воситаларни жорий таъмирлаш харажатлари лизинг олувчи томонидан қилинади, капитал таъмирлаш эса шартномадаги келишувга мувофиқ лизинг олувчи ёки лизинг берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

Аудитор юқорида кўрсатилган масалаларни текшириб, ўрнатилган талаблар ва қоидаларнинг бузилиш ҳолларини ўзининг ишчи ҳужжатларида акс эттириши лозим.

Молияланадиган (узоқ муддатли) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар аудитининг хусусиятлари. Мулкни кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқини берувчи молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар, биринчидан, лизинг олувчи корхонада 0310-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» деган счётда ҳисобга олинади. Иккинчидан, асосий воситаларни молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олувчи корхоналар уларга ҳар ойда белгиланган умумий тартибда эскириш ҳисоблаб, 0299 счётда акс эттириб боради, (Дебет 2010, 2310, 2510, 2710 счётлар ва кредит 0299 счёт). Учинчидан, ижарага берувчи билан асосий воситалар лизинги учун ҳисоб-китоблар лизинг олувчи корхонада шу мақсадда махсус белгиланган 6910- «Тўланадиган қисқа муддатли ижара ҳақи» ва 7910-«Тўланадиган узоқ муддатли ижара ҳақи» счётларида ҳисобга олинади. Шундай қилиб, аудитор фақат корхонада молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган ёки берилган асосий воситалар ҳисобини ташкил этишнинг тўғрилигини текширмасдан, балки лизинг олувчи билан лизинг берувчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳолатини ҳам текшириши лозим. Лизинг олувчи билан лизинг берувчининг ўзаро ҳисоб-китобларини текшириш (солиштириш) далолатномасини ҳам текшириши зарур.

Жисмоний шахслардан ижарага олинган асосий воситалар аудити ҳам айрим хусусиятларга эга. Кўпчилик фирмалар, кўшма корхоналар, ваколатхоналар автомобилларни сотиб олинганидан кўра фойдалироқ бўлгани учун ижарага оладилар. Бунда аудитор автомашинани ишлатиш ва таъмирлаш харажатларини коплаш, ҳисоблашишлар тартиби келишилган ижара шартномаси билан танишиши лозим.

Жисмоний шахслар билан тузилган шартномага кўра ижара тўловлари ижарачи томонидан унинг харажатларига қўшилса (2010, 2310, 2510, 2710 счётлар дебет ва 6910 счёт кредит). Ҳисобланган ижара тўлови суммасидан даромад солиғи ундирилади (Дебет 6910 счёт Кредит 6410 счёт). Ижарага берувчи жисмоний шахсларга улардан ижарага олинган асосий воситалар учун ҳисобланган ижара тўлови суммасидан бюджетдан ташқари фондларга тўловлар ҳисобланмайди.

Агар асосий воситалар объектлари тадбиркор бўлган жисмоний шахслардан ижарага олинса, ҳисобланган ижара тўлови суммасидан даромад солиғи ушланмайди. Корхона бундай тўловларнинг барча турлари бўйича солиқ инспекцияси ҳар чоракликда билдириб туриши лозим. Аудитор корхонанинг ижарага берувчи жисмоний шахслар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қоидалари ва солиқ қонунчилигига риоя қилинаётганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Молияланадиган лизинг муомалалари аудити. Аудитда бажариладиган барча амаллар лизинг муомалаларининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Шунинг учун лизинг шартномаларини тузиш, муомалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва солиққа тортишда йўл қўйиладиган хатоларнинг аксарияти меъёрий ҳужжатлардаги камчиликлар ва услубий қўлланмалар етишмаслиги билан боглиқ.

Лизинг муомалалари аудитида алоҳида эътибор берилиши, лизинг субъектлари асосий воситалар билан боглиқ бошқа муомалаларга қараганда, буларни текширишга кўпроқ вақт ажратилиши лозим. Лизинг муомалалари

аудитини ташкил этиш ва методикасини ишлаб чиқишда бундай омиллар ҳисобга олиниши керак.

Лизинг операцияларини текширишда аудитнинг барча босқичлари – режалаштириш, аудиторлар гуруҳини тузиш, текширув ўтказиш, аудиторлик ҳисоботи ва хулосаларини тузишда махсус ёндошув талаб қилинади.

Аудитни режалаштириш босқичида бажариладиган таҳлилий амаллар текшириладиган хўжалик юритувчи субъект фаолиятини ўрганиш ва аудиторлик рискининг даражасини пасайтиришга ёрдам беради. Аудиторлардан махсус эътибор талаб қиладиган ва аудиторлик риски юқори бўлган, ностандарт ёки нотўғри акс эттирилган хўжалик фаолияти фактлари ва натижаларини аниқлашга ёрдам берганлиги сабабли, таҳлилий амаллар ушбу босқичда ўта муҳим ҳисобланади.

Таҳлилий амаллар кераксиз аудиторлик амалларининг сонини қисқартиришга имкон беради, демак текширувга сарфланадиган меҳнат сарфларини камайтиради. Пировард натижада бу аудит сифатини оширади ва молиявий ҳисоботдаги чалкашликларни аниқлашни таъминлайди.

Лизинг муносабатларининг асосий элементларини текшириш учун лизинг турига боғлиқ ҳолда бажариладиган текширув амалларини ўзгартириш кўзда тутилган, махсус схема ишлаб чиқиш зарур.

Лизингнинг энг кўп тарқалган тури – молияланадиган лизингни текширишда лизинг маконида учта иштирокчи мавжудлигини назарда тутадиган, лизинг схемаси ҳуқуқий тузилишининг хусусиятларидан келиб чиқиш зарур. Лизингнинг бошқа турлари (қайтариладиган, оператив) учун бундай схемага муайян лизинг турлари хусусиятларидан келиб чиқадиган ўзгартиришлар киритилиши зарур.

Лизинг муомалаларини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун текшириладиган объектлар ва ҳал этиладиган вазифалар рўйхати лизинг берувчи корхона ва лизинг олувчи корхона позицияларидан шакллантирилиши керак.

Лизинг муомалалари мураккаблиги ва ностандартлиги сабабли, улар алоҳида моментлари, ҳатто муҳим бўлса ҳам текширилиши мақсадга мувофиқ эмас. Изма-из текшириш, муомалаларни ҳисобда акс эттириш ишончлилигини текширишнинг энг самарали усулларида бири ҳисобланади. Бунинг учун операцияларнинг салмоқли турларини танлаб олиш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини бошидан охиригача изма-из текшириб чиқиш зарур.

Лизинг муомалаларини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун қуйидаги таҳлилий амаллар самарали ҳисобланади:

- *бухгалтерия ҳисоботининг кўрсаткичлари ва улар билан боғлиқ ҳисобот даврининг нисбий коэффициентларини ҳўжаслик юритувчи субъект томонидан белгилаб қўйилган нормативлар билан таққослаш;*
- *бухгалтерия ҳисоботи кўрсаткичларини лизинг шартномаси ва ички ҳужжатлар айланишидаги маълумотлар билан режа ва башоратлаш кўрсаткичлари ва ҳоказолар билан таққослаш.*

Энг муҳим масалалар бўйича аудиторлик далилларини бир неча муқобил манбалардан олиш мақсадга мувофиқ. Аудиторда қўшимча аудиторлик амаллари бажариш заруриятини вужудга келтирган ҳолат мазкур амалларнинг бевосита лизинг муомалаларига тегишли эканлигини аниқлаш ва текширув ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Лизинг берувчи корхонада аудит ўтказиш бўйича вазифалар.

№	Номлари	Вазифаларнинг қисқача мазмуни
1	Умумий масалалар	Лизинг фаолияти билан шугулланиш учун лицензиянинг мавжуд-лигини аниқлаш. Лизинг келишувлари, жумладан мулкка эгалик ҳуқуқининг ўтиши бўйича шартномаларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текшириш.
2	Асосий воситалар	Лизинг берувчида лизинг шартномаси бўйича асосий воситалар кириши ва чиқимининг аналитик ва синтетик ҳисоби. Лизингга доир мулкларга эскириш ҳисоблашнинг тўғрилиги. Лизингга бериладиган мулкларнинг чиқими, жумладан лизинг олувчи томонидан сотиб олиниши. Лизингга бериладиган мулкларга доир капитал қўйилмалар ҳисоби.
3	Таннарх шаклла-ниши	Кредитлар ва қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби. Лизингга бериладиган мулкларни сугурталаш харажатларининг ҳисоби. Лизингга бериладиган мулкларни таъмирлаш харажатларининг ҳисоби.
4	Лизинг хизматла-рини сотиш.	Лизинг шартномалари бўйича даромадларни ҳисобга олиш.
5	Ҳисоб-китоблар	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар. Бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб-китоблар.

		Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар.
6	Лизинг муомалаларини солиққа тортиш	Лизинг объектлари билан боглиқ муомалалар – сотиб олиш, гаровга олиш, лизинг олувчига бериш ва сотиш муомалаларини солиққа тортиш бўйича ҳисоб-китоблар. Лизинг шартномалари бўйича олинган даромадларни солиққа тортиш.
7	Ҳисобот	Бухгалтерия ҳисоботи- фаолият натижаларини ишонарли акс эттириш. Солиқ ҳисоботи – фаолият натижаларини ишонарли акс эттириш.

5-жадвал

Лизинг олувчи корхонада аудит ўтказиш бўйича вазифалар.

№	Номлари	Вазифаларнинг қисқача мазмуни.
1	Умумий масалалар	Лизинг шартномаси, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар ўтиш шартномасининг қонунчиликка мослигини текшириш. Лизинг битимларига рухсат бериш тўғрисида директорлар Кенгаши тегишли қарорларни мавжудлиги.
2.	Асосий воситалар	Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар аналитик ва синтетик ҳисоби. Лизингга олинган асосий воситалар бўйича эскириш ҳисоблаш ва ҳисобда акс эттиришнинг тўғрилиги. Лизинг мулкларини, шу жумладан узок муддатлиларини сотиб олиш. Лизингга олинган мулклар бўйича капитал сарфлар ҳисоби.

3	Таннарх шаклланиши	Лизинг шартномаси бўйича лизинг тўловлари кўринишидаги харажатлар ҳисоби. Лизингга олинган мулкларни сугурталаш харажатларининг ҳисоби. Лизингга олинган мулкларни таъмирлаш харажатлари ҳисоби.
4	Ҳисоб-китоблар	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар. Бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб-китоблар. Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар.
5	Лизинг муомалаларини солиққа тортиш	Лизинг объектлари билан боглиқ муомалалар – олиш, гаров ва сотиб олиш муомалаларини солиққа тортиш бўйича ҳисоб-китоблар.
6	Ҳисобот	Бухгалтерия ҳисоботи – фаолият натижаларини ишонарли акс эттириш. Солиқ ҳисоботи – фаолият натижаларини ишонарли акс эттириш.

Лизинг муомалаларини текширишда, асосан аудиторлик ташкилотларининг ўзи тўплаган далилларга таяниш зарур. Шунингдек, ходимлар ва учинчи шахсларнинг огзаки маълумотларини инкор қилмаган ҳолда, ёзма далилларга асосланиш зарур. Огзаки олинган далиллар асосида ҳам бир қатор муҳим хулосалар қилиш мумкинки, улар корхонада лизинг муомалалари учун қабул қилинган ҳисоб сиёсати, солиққа тортиш ва бошқа ҳуқуқий масалалар билан тез танишишга ёрдам беради. Масалага бундай ёндошув қисқа вақт ичида бутун ҳисобот тизимини аниқлашни, унинг бўш жойлари ва хатоларини белгилашга имкон яратиб, текширув ўтказиш учун вақт сарфини камайтиради.

Лизинг муомалаларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ташкилий жараёнларини мақбуллаштириш хатолар ва чалкашликларнинг турлари ҳақида маълумотларни олишга ёрдам бериб, улар лизинг шартномаси бўйича муомалаларни ҳисобда акс эттириш вақтида пайдо бўлиши мумкин.

Лизинг муомалаларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг умумий режаси ва иш дастури билан бир қаторда лизинг муомалаларига доир асосий хатолар тўпланади ва туркумланади.

6-жадвал

Лизинг муомалаларида кўп учрайдиган хатолар рўйхати.

Хатолар турлари	Қўлланиладиган амаллар
Тегишли лицензияга эга бўлмасдан лизинг фаолиятини амалга ошириш.	Огзаки сўров; хужжатларни текшириш.
Корхона ҳисоб сиёсатида лизинг мулклари ва лизинг муомалаларига тегишли қоидаларнинг йўқлиги	Хужжатларни текшириш.
Ташқи ва ички хужжатларга зид бўлган хўжалик муомалаларини содир этиш ва бухгалтерия ёзувларининг мавжудлиги.	Огзаки сўров; хужжатларни текшириш; таҳлилий амаллар.
Жадаллаштирилган амортизация ҳисоблаш механизмининг ноқонунийлиги ва нотўғри қўлланилиши.	Хужжатларни текшириш
Лизингга олинган асосий воситаларни ўз вақтида ва тўғри қилиб қилмаслик.	Хужжатларни текшириш; Айрим хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш.
Асосий воситаларни лизингга	Хужжатларни текшириш;

олиш бўйича муомалаларнинг ҳисобда но-тўғри акс эттирилиши.	Айрим хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш.
Асосий воситалардан фойдаланиш шартларига риоя қилмаслик.	Огзаки сўров; хужжатларни текшириш.
Лизингга олинган асосий воситалар-ни таъмирлаш харажатларини хиз-матлар таннархига асоссиз қўши-лиши.	Мижознинг ҳисоб китобларини текшириш (қайта ҳисоблаш); хужжатларни текшириш; изма-из текшириб чиқиш.
Лизинг хизматларини сотиш ҳажмининг пасайтириб кўрсатилиши.	Мижознинг арифметик ҳисоб-китоблари-ни текшириш (қайта ҳисоблаш); Айрим хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш; изма-из текшириб чиқиш.
Лизинг келишувларининг шартномалар тизими бўйича контрагентлар билан ҳисоб-китоблар ҳолатининг ишончсизлиги.	Мижознинг арифметик ҳисоб-китоблари-ни текшириш (қайта ҳисоблаш); айрим хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш; изма-из текшириб чиқиш.
Солиқларнинг нотўғри ҳисобланиши ва тўланиши.	Айрим хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш; изма-из текшириб чиқиш.
Тақдим қилинган ҳисоботнинг ишончсизлиги.	Мижознинг арифметик ҳисоб-китоблари-ни текшириш (қайта

	хисоблаш); Таҳлилий амаллар
--	--------------------------------

Ушбу жадвалда келтирилган хатолар рўйхати аудиторлик ташкилотининг амалий иш тажрибаси асосида шакллантирилади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий-меъёрий база ўзгарган ва янги хатоларнинг аниқланишига қараб ушбу рўйхатнинг таркиби ва мазмунини ўзгартириш мумкин. Қоидабузарликлар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва доимий равишда янгилаб бориш аудиторлик ташкилотига қоидабузарликларни мунтазам равишда таҳлил қилиш, уларни аниқлаш амалиётини умумлаштириш ва қоидабузарликларнинг молиявий ҳисобот кўрсаткичларига таъсирини баҳолашга имкон яратади.

3 – БОБ.Корхонада асосий воситаларни келиб тушиши, ижараси ҳисоби ва лизинг муносабатларини мукаммаллаштириш йўллари.

3.1.Корхонада асосий воситаларни келиб тушуши ҳисобини ташкил этилиши.

Ҳар бир корхона ўз фаолиятини ташкил этишда турли ҳилдаги моддий ва молиявий ресурсларга эҳтиёж сезиши бу табиий ҳол.Корхонанинг фаолиятини муттасил равишда кенгайиб боришининг энг асосий омилларидан бири бу албатта унинг асосий воситалар билан таъминланганлик даражаси ҳисобланади.Биз қуйида асосий воситаларни келиб тушиши ва айниқса уларни ижарага олинишини таҳлил қиладиган корхонамизда бу борада ҳолат қуйидаги тарзда амалга оширилган.

Корхонага асосий воситалар қуйидагича келиб тушиши мумкин:

- х.ак. эвазига сотиб олиш;
- текинга олиш;
- корхона устав капиталига муассисларнинг улуши сифатида келиб тушиши;
- гаровни олиш, агар гаровга берувчи қарзни (ссуда) белгиланган ва узайтирилган муддатда қайтармаса;
- инвентарлаш натижасида аниқланган ортиқча асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилиниши;
- пудрат ёки хужалик усули билан барпо этилган асосий воситалар келиб тушиши.

Асосий воситаларни ҳақ эвазига сотиб олиш

Ҳақ эвазига сотиб олинган асосий воситалар дастлабки қиймат бўйича қирим қилиниши керак.

Асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар дастлаб 0820-«Асосий воситаларни сотиб олиш» ҳисобварагининг дебетида йиғилади. Асосий воситалар объектлари фойдаланишга топширилганда уларнинг суммаси 0820-ҳисобварақдан 0100-«Асосий воситалар» гуруҳи ҳисобварақларига утказилади.

	Дебет	Кредит
Асосий воситалар объектлари сотиб олинди	0820-«Асосий воситаларни сотиб олиш»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга
Асосий воситалар сотиб олинаётганда харажатлар акс эттирилади (воситачилар хизмат х.аки, мулк ҳуқуқ.ини руйхатга олиш, ташиш, монтаж килиш, созлаш ва бошқд харажатлар)	0820-«Асосий воситаларни сотиб олиш»	туланадиган хиобварақлар» 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган х [^] тсобварақлар», 6990- «Бошка мажбуриятлар», 6710-«Ходимлар билан иш х.ак,и буйича х.исоб- китоблар».
		6520-«Давлатнинг мақсадли жамрармаларига т [^] ловлар» ва бошқ..
Асосий воситаларни фойдаланишга топшириш акс эттирилади	0100-«Асосий воситалар»	0820-«Асосий воситаларни сотиб олиш»

“Харакатчи” м.ч.ж. етказиб берувчига монтаж талаб килувчи ишлаб чиқариш ускунасини етказиб бериш учун 840 минг сум миқдорида 100 фоиз бунақ утказди. Ушбу ускунани етказиб бериш учун транспорт ташкилотига 30 минг сум туланди. Етказиб берувчидан олинган ускуна корхона омборига қирим қилинди. Корхонанинг ёрдамчи цехи томонидан амалга оширилган ускунани монтаж қилиш бўйича харажатлар 40 минг сумни ташкил қилди.

Ускунани харид килиш, етказиб бериш ва монтаж килиш буйича хакикий харажатлар капитал куйилмалар таркибига киритилиб, сунгра улар асосий воситапарга утказилади, яъни бунда ускунанинг дастлабки киймати 910000 сумни (840000 + 30000 + 40000) ташкил килади.

T/P	Хужалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сумда	21-сон БХМС буйнча ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Ускуна учун олдиндан тулов акс эйтирилди	840	4310	5110
2 '	Етказиб бериш учун олдиндан тулов акс эйтирилди	30	4330	5110
3	Етказиб беришни ҳисобга олган х.олда ускунанинг омборга келиб тушиши акс эйтирилди	870	0710	6010
4	Ускуна учун олдиндан тулов суммаси ҳисобга олинди	840	6010	4310
5	Етказиб бериш учун олдиндан тулов суммаси ^исобга олинди	30	6010	4330
6	Урнатиладиган ускуна монтаж учун берилди	870	0820	0710
7	Монтаж килиш буйича ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ускуна кийматига кушилди	40	0820	2310
8	Ускунани фойдаланишга топшириш акс эйтирилди	910	0130	0820

Шуни таъкидлаб утиш лозимки, корхонанинг асосий воситаларни сотиб олиши билан боғлиқ харажатларига капитал характерга эга инвестиция

деб каралади ва соликка тортиладиган даромадни (фойдани) аниклашда ҳисобга олинади. УзР Солик. кодексининг 32-моддасига асосан, корхонанинг солик. солинадиган даромади (фойдаси), инвестицияларга (Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилишга, коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари қурилишига), шунингдек инвестициялар учун олинган кредитларни узишга йўналтириладиган харажатлар суммасига, ҳисобланган эскиришдан тулик, фойдаланиш шarti билан, бироқ, солик, солинадиган даромаднинг (фойданинг) уттиз фoизидан қуп бўлмаган миқдорда қамайтирилади. Инвестиция деб узининг қуйидаги харажатлари тушунилади:

- янги қурилиш шаклида капитал қурилиш ҳамда фаолиятдаги қорхоналарни қайта тиклаш, кенгайтириш ва қайта техник қуриллантириш;
- ишлаб чиқариш эқтиёжлари учун бинолар, иншоотлар, усқуналар, транспорт воситалари ва бошқа алоҳида объектлар (ёқи уларнинг қисмлари)ни сотиб олиш.

Қайд этилган имтиёз агар инвестициялар қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилганда берилади:

- Уз маблагларидан — инвестицияга ҳақиқатда қилинган харажатлардан ортмаган миқдорда;
- банк кредитларидан — ҳақиқатда банк кредитини қоплашга қилинган харажатлар доирасида, муддати утган ва муддати узайтирилган ссудалар ҳамда банқлар ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг узок, муддатли кредитлари бўйича туланган фoизлардан ташқари.

Микрофирма ва қичик қорхоналар, савдо ва умумий овқдтланиш қорхоналари учун маблаглар асосий воситалар объектлари сотиб олишга (қуриш) инвестиция қдлинганига бўғунги қунда имтиёзлар қузда тутилмаган.

Шартномада баҳоси қорижий валютада қурсатилган асосий воситалар, улар қирим қилинган қундаги қорижий валюта қурси бўйича ҳисобланган бошланғич қийматда қирим қилинади (УзР АВ томонидан 1998 йил 14

августда 474-сон билан рухатдан утказилган 1-сон БХМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»нинг 16-банди).

Корхонага импорт шартномаси бўйича келиб тушаётган асосий воситалар божхона юк декларациясини тулдириш санасидаги УзР Марказий банки курси бўйича сумда ҳисобланган киймат бўйича, уларни сотиб олиш билан боғлиқ, бошқа харажатлари ҳисобга олган ҳолда кирим килиниши керак (АВ томонидан 20.01.2004 й.да 1299-сон билан рухатга олинган 5-сон БХМС «Асосий воситалар»-нинг 13-банди ҳамда АВ томонидан 21.05.2004 й.да 1364-сон билан рухатга олинган 22-сон БХМС «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби»нинг 13-банди).

Тулов санаси ҳамда кирим килинган сана оралигида УзР Марказий банки курсининг узгариши сабабли вужудга келган курс фарқи хужалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига молиявий фаолиятдан даромадлар (харажатлар) сифатида киритилади (УзР АВ томонидан 2004 йил 17 сентябрда 1411-сон билан рухатдан утказилган «Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби гуғрисида» низомнинг 5-банди).

Курс фарқи даромад (фойда) солиғи, яғона солиқ тулови, яғона солиқ ва ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида солиқда тортиш базасини аниқлашда ҳисобга олинади. Бунда мусбат ва манфий курс фарқлари уртасидаги сальдо солиққа тортилади. Бирок, шуни назарда тутиш лозимки, яғона солиқ, тулови, яғона солиқ, ва ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқаришда (фойда солиғидан фарқ, килган ҳолда) манфий курс фарқининг мусбат курс фарқидан ошиб кетиши солиққа тортиш базасини камайтирмайди.

Чет эл валютасидаги ҳақ эвазига асосий воситалар сотиб олинганда корхона томонидан куйидаги операциялар акс эттирилади		
	Дебет	Кредит

Асосий воситалар (шартнома киймати) УзР божхона ху-ду-дигача келтирилди, божхона расмийлаштируви утказилади	0820-«Асосий воситаларни харид килиш»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган ҳисобварақлар»
Мол етказиб берувчига тулов (шартнома киймати) амалга оширилди	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган ҳисобварақлар»	52Ш-«Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари»
Манфий курс фарк,и акс эттирилади	9620-«Валюталар курслари фаркидан зарарлар»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган ҳисобварақлар»
Мусбат курс фарки акс эттирилади	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган ҳисобварақлар»	9540 «Валюталар курслари фаркидан даромадлар»
Импорт килишда юзага кела-диган хамда товарларнинг ха-рид кийматига киритиладиган божхона туловлари ва бошка харажатлар акс эттирилади	0820-«Асосий воситаларни харид килиш»	6410-«Бюджетга туловлар буйича карз (турлари буйича)», 6990-«Бошка мажбуриятлар»

Импорт шартномаси буйича олинган асосий воситалар БЮДни расмийлаштириш санасидаги курс буйича кирим килинади	0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи хдгсбваракдар»	0820-«Асосий воситаларни харид килиш»
---	--	---

“Харакатчи” м.ч.ж. Россиядан двигатель хажми 1300 куб см.ни ташкил этадиган, ВАЗ-07 русумидаги 3 та янги автомобилни (Россияда ишлаб чиқарилган) уз эҳтиёжлари учун олиб келтиради. Автомобиллар партиясининг контракт киймати 19500 АК,Ш долларини ташкил килади.

Товарни божхонада расмийлаштириш чоғида декларант томонидан тегишли хужжатлар, шу жумладан товарнинг келиб чиқишига доир сертификат такдим этилди. Олиб кириладиган товарлар билан битим киймати буйича ҳисобланган автомобилларнинг божхона киймати 22464 минг сумни (19500×1152) ташкил килди.

Товарни божхона расмийлаштирувида куйидаги божхона туловлари туланди:

~ акциз солиғи (5%) — $1123,2$ минг сум ($22464 \times 0,05$);

~ импорт килинадиган товарлар буйича қушилган киймат солиғи (20%) — $4717,44$ минг сум ($((22464 + 1123,2) \times 0,20)$);

— божхона расмийлаштируви учун йигим — $44,928$ минг сум ($22464 \times 0,002$).

Автомобилларни тайинланган жойгача етказиб бериш харажатлари 78 минг сумни ташкил килди, шу жумладан ККС — 13 минг сум.

Товарга тулов уз валюта маблағлари ҳисобидан: контракт кийматининг 100 фоизи миқдорида бунақ амалга оширилди.

АКШ доллари курси:

— товар етказиб берувчига бунақ тулаш пайтида — 1 АКХ долларига нисбатан 1148 сумни,

— БЮДни расмийлаштириш ва божхона туловларини тулаш пайтида — АКШ долларига нисбатан 1152 сумни ташкил килди.

Автомобилларнинг харид киймати куйидагиларни уз ичига олади:

- контракт киймати — 22464 минг сум;
- акциз солиги — 1123,2 минг сум;
- ккс- 4717,44минг сум;
- божхона расмийлаштируви учун йигим — 44,928 минг сум;
- етказиб бериш харажатлари — 78 минг сум.

Автомобилларнинг харид киймати 28427,568 минг сумни ташкил килади. Ушбу киймат буйича автомобиллар транспорт воситалари ҳисобга олинадиган тегишли ҳисобварақларга кирим килиниши керак. Битта автомобилнинг киймати 9475,856 минг сумни ташкил килади. Мисолни соддалаштириш мақсадида автомобилларни ваколатли органларда давлат руйхатидан утказиш билан боғлиқ харажатлар ва туловлар куриб чиқилмайди.

АҚШ доллари курси бунақ туланган санадан автомобилларнинг (БЮД) божхона расмийлаштируви санасигача усди. Курс фарқи 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар» ҳисобварағига киритилиши лозим.

Т/ р	Хужалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сумда	21-сон БХМС буйича ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Мажбуриятлар ва туловларни таъминлаш х.исобига кафолат олинди (100% оддиндан тулов муносабати билан)	22386	008	
2	Мол етказиб берувчига бунақ туланаи (19500 х 1148)	22386	4310	5210
3	БЮДни расмийлаштириш чогада товарнинг келиб тушиши акс эттирилади	22464	0820	6010

	(контракт киймати 19500 x 1152)			
4	Мажбуриятлар ва туловларни таъминлаш ҳисобига олинган кафолатлар ҳисобдан чиқарилди	22386		008
5	Товарларни импорт килишда акциз солигини ҳисоблаб ёзиш ва тулаш акс эттирилади (22464 x 0,05)	1123,2	0820, 6410	6410, 5110
6	Товарларни импорт килишда ҚҚС ҳисобланиши ва туланиши акс эттирилади (22464+ 1123,2) x 0,20	4717,44	0820, 6410	6410, 5110
7	Товарнинг божхона расмийлаштируви бўйича харажатлар акс эттирилади (22464 x 0,002)	44,928	0820, 6990	6990, 5110
8	Товарларни транспортда ташиш харажатлари ва уларнинг туланиши акс эттирилади (ЎзР ҳудудида)	78	0820, 6990	6990, 5110
9	Курс фарқи (22464 - 22386) ва бунакнинг ҳисобга олиниши акс эттирилади	78 22464	4320, 6010	9540, 4320
10	Автомобиллар фойдаланишга топширилади	28427,568	0160	0820

Баъзан мамлакатимиздаги сотувчилар ҳам ўз маҳсулотларига нархларни муайян чет эл валютасида, одатда АКШ доллари билан боғлиқ шарли бирликларда белгилайдиган. Чет эл валютасида ифодаланган нархлар бўйича, бироқ сумда туловлар билан сотиб олинган асосий воситаларнинг ҳисобини худди шундай тартибда, яъни «Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тугрисида»ги низом (ЎзРА В томонидан 2004 йил 17 сентябрда 1411-сон билан руйхатдан ўтказилган) бўйича юритиш лозим. Низомнинг 13-бандида белгиланишича, маҳсулот (иш, хизмат)ларга чет эл валютаси экв-валентида нарх (тариф) белгилайдиган, туловларни эса миллий

валюта — сумда оладиган корхоналар махсулот (иш, хизмат)ларни сотиш санасидан тулов келиб тушган (амалга оширилган) санасигача булган даврда Марказий банк курсининг узгариши сабабли вужудга келган ижобий курс фаркини 9540-« Валюталар курслари фаркидан даромадлар» ҳисобваратга, салбий курс фаркини эса 9620-«Валюталар курслари фаркидан зарарлар» ҳисобваратга олиб боради. Тегишлича махсулотларнинг харидорлари ҳам курс фаркларини ҳисоблаб, уларни валюта курслари фаркларидан даромадлар-га ёки харажатларга олиб боришлари лозим.

“Характчи” м.ч.ж. ускуна сотиб олди. Олди-сотди шартномасида ускунанинг нархи АҚШ долларарида курсатилган — \$16000. Шартномага кура тулов (100%) Марказий банкнинг тулов санасидаги курси буйича сумда амалга оширилади. Тулов 2 октябрда амалга оширилди, ускуна эса 11 октябрда олинди. АҚШ долларининг сумга нисбатан курси куйидагича булган:

2 октябрда — 7 АҚШ долларари 1230 сум;

11 октябрда — 1 АҚШ долларари 1232 сум.

100% олдиндан туловни амалга оширган умумбелгиланган соликларни туловчиси булмиш харидор валюта курси кутарилганда ускунага у томонидан хакикатда туланган кийматдан юкори кийматга ҳисобварак-фактура олади. Тулов санаси ва ускунани олинган санадаги курс буйича бунак суммаси уртасидаги фарк мусбат курс фарки куринишидаги даромад ҳисобланиб, фойда солитни ҳисоблашда солик солина-диган базага киритилиши лозим.

Усқунанинг бошлангич киймати 19 712 минг сумни ташкил килади (\$ 16000 x 1232). Ушбу киймат буйича ускуна 0130-«Машина ва асбоб-усқуналар» ҳисобваратга кирим килинади.

Олдиндан тулов ва кирим килиш санасида вужудга келадиган курс фарки молиявий натижалар ҳисобваратга олиб борилиши лозим:

— туланган: 19680 минг сум (\$ 16000 x 1230);

— кирим килинган: 19712 минг сум (\$ 16000 x 1232);

— курс фарки: 32 минг сум (19712 - 19680) — мусбат курс фаркини ташкил килиб, молиявий фаолият буйича даромадларга киритилади.

Т/р	Хужалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сумда	21-сон БХМС буйича ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
!	Ускуна етказиб берувчига бунак утказилди	19680	4320	5110
2	Ус куна олинди	19712	0820	6010
3	Курс фаркл ва бунакнинг ҳисобга олиниши акс эттирилади	32 19712	4320 6010	9540 4320
4	АВнинг фойдаланишга топширилиши	19712	0130	0820

3.2. Корхонада ижара шартномаси буйича асосий воситаларнинг келиб тушиши ҳисоби.

Узок, муддатли ижара шартномасига асосан олинган асосий воситалар келиб тушиши ва уларни кирим килиш АВ-1 шаклдаги қабул килиш-топшириш далолатномасига асосан амалга оширилади. Далолатнома ижарачи корхона учун уз мажбуриятларини саклаш шартномасига асосан, асосий воситаларни ишлатиш ва ижара ҳ.а.кларини тулашга асос бўлади. Ижара туловлари томонлар келишувига асосан аниқданади ва вақти-вақти билан узгартирилиши мумкин.

Узок, муддатли ижара шартномасига асосан олинган асосий воситалар ижарачи гомонидан 0310-«Узок, муддатли ижара шартномаси буйича олинган асосий воситалар» ҳисобварагага олиб борилади. Уларга ҳисобланган эскириш 0299-«Узок, муддатли ижара шартномаси буйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» ҳ.исобварагида акс эттирилади.

Ижара туловлари буйича мажбуриятлар жорий ва узок, муддатлиларга бўлинади. Жорий қисми (жорий даврда туланиши лозим бўлган) 6950-«Узок, муддатли мажбуриятлар — жорий қ.исми»да, узок, муддатлиги эса — 7910-«Туланадиган узок, муддатли ижара» ҳисобварақдарида акс эттирилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, узок муддатли ижара вақтида мол-мулк солишни тулаш мажбуриятлари ижарачи корхонага ўтади. Узок, муддатли ижара шартномасига асосан олинган асосий воситалар қўйматида қайта баҳрлаш ҳам, АВ томонидан 4.12.2002 й.да 1192-сон билан рўйхатдан ўтган «1 январь ҳисобати буйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида»ги қўқоннинг 1 -бандига асосан, ижарачи корхона томонидан амалга оширилади.

Узок муддатли ижара шартномаси буйича операцияларни акс эттириш (ижарачида акс эттириш)		
	Дебет	Кредит

Узок; муддатли ижарага олинган асосий воситалар кирим «.илинади	0800-«Капитал куйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақдар»; 0310-«Узок муддатли ижара шартномаси буйича олинган асосий воситалар»	79Ю-«Туланадиган узок муддатли ижара»; 0800-«Капитал куйилмаларни х.исобга олувчи х.исобварақ'лар»
Узок, муддатли ижара шартномаси буйича олинган асосий воситаларга х,ар ойда эскириш х.исобланади	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»; 23Ю-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва бошқ	0299-«Узок муддатли ижара шартномаси буйича олинган асосий воситаларнинг эскириши»
Узок, муддатли ижарага олинган асосий воситалар ишла-тилганлиги учун жорий ижара туловлари акс эттирилади	6950-«Узок муддатли мажбуриятлар — жорий кисми»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Узок, муддатли ижара шартномаси буйича ҳисобланган фоизлар акс эттирилади	96Ю-«Фоизлар куринишидаги харажатлар»	6920-«Ҳисобланган фоизлар»
Узок, муддатли ижара шартномаси буйича туланган фоиз-ларни акс эттириш	6920-«Ҳисобланган фоизлар»	5110-«Ҳисоб-китоб сче'ти»
Узок, муддатли ижара	7910-«Туланадиган узок	6950-«Узок муддатли

буйича мажбуриятлар жорий қисмига утказилади	муддатли ижара»	мажбуриятлар — жорий қисми»
Узок, муддатли ижара шартномаси буйича олинган асосий воситаларни узининг асосий воситалари таркибига утказишни акс эттириш	0100-«Асосий воситалар»	0310-«Узок муддатли ижара шартномаси буйича олинган асосий воситалар»
Бир вақтнинг узида х,исоб-ланган эскириш суммаси утказилади	0299-«Узок муддатли ижара шартномаси буйича олинган асосий воситаларнинг эскириши»	0200-«Асосий воситаларнинг эскириши»
Шартнома буйича туланмаган қрлдikka узок, муддатли ижара шартномаси муддати тугамаси-дан асосий воситаларни кайта-риш акс эттирилади:		
— бошлангич қиймат (тикланиш қиймати)	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	0310-«Узок муддатли ижара шартномаси буйича олинган асосий воситалар»

— жамланган эскириш суммасига	0299 «Узок муддатли ижара шартномаси буйича олинган асосий воситаларнинг эскириши»	9210-«Асосий воситаларнинг кетиши»	чикиб
— ижара объектини ободон-лаштириш к,ийматининг ижарага берувчи томонидан к,опланадиган суммасига	4890-«Бошка дебиторлар карзлари»	9210-«Асосий воситаларнинг кетиши»	чикиб
— узок муддатли ижара объектини кайта бахрлаш натижа-лари (сальдоси) суммасига	8510-«Мулкни кайта баколаш буйича тузатишлар»	9210-«Асосий воситаларнинг кетиши»	чикиб
— туловлар режаси буйича к,опланмаган асосий карздор-ликнинг К,ОЛДИРИ суммасига	6950-«Узок муддатли мажбу-риятлар — жорий кисми»; 7910-«Туланадиган узок муддатли ижара»	9210-«Асосий воситаларнинг кетиши»	чикиб
— ижара объекти к,айтарили-ши харажатлари суммасига	9210-«Асосий воситаларнинг кетиши»	1000-«Материалларни х,исобга олувчи ҳисобварақлар»; 6700-«Мехнат хдки буйича ходимлар билан хдооблашишларни ҳисобга	

		олувчи ҳисобварақдар»; 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига туловлар» ва бошқ.
Узок, муддатли ижара шартномаси буйича олинган асосий воситаларни кайтаришдан олинган фойдани акс эттириш	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда»
Узок, муддатли ижара шартномаси буйича олинган асосий воситаларни кайтаришдан олинган зарарни акс эттириш	9430-«Бошқа операция харажатлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

“Харакатчи” м.ч.ж. енгил автомобилнинг узок муддатли (2 йил) ижараси тугрисида шартнома тузди. Автомобилнинг бошлангич киймати — 10 млн. сум. Ҳисобланган эскириш 5 млн. сумни ташкил этади. Икки йилга ижара хаки шартномага кура автомобилнинг колдик кийматига тенг ва 5 млн. сумни ташкил этади. Ушбу сумма хар ой тенг улушда туланиши лозим. Ижара туловлари буйича мажбурияпиар жорий ва узок муддатлиларга булинади. Жорий кисми (жорий даврда туланиши лозим булган) 6950-«Узок муддатли мажбуриятлар — жорий кисми» ҳисобварақда, узок муддатлиги эса — 7910-«Туланадиган узок муддатли ижара» ҳисобварақда акс эттирилади. Хар ойлик ижара хаки 208,3 минг сумни ташкил этади.

Узок муддатли ижара шартномасига асосан олинган асосий воситалар ижара-ни томонидан 0310-«Узок муддатли ижара шартномаси буйича олинган

асосий воситалар» ҳисобеарағуда ҳисобга олинади. Уларга ҳисобланган эскириш 0299-«Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» ҳисобваратда акс эттирилади.

Т/р	Хужалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сумда	21-сон БХМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Узок, муддатли ижара шартномасига кура олинган автомобилнинг келиб тушиши акс эттирилади	5000	0820 0310	7910 0820
2	Туловларни узок, муддатлидан жорий кисмига утказиш	2500	7910	6950
Хар ойда, ижара муддати давомида				
3	Эскириш ҳисобланади		9420	0299
4	Узок, муддатли ижара бўйича жорий мажбуриятларни сундириш акс эттирилади	208,3	6950	5110
5	Йил охирида туловларни узок, муддатлидан жорий кисмига утказиш	2500	7910	6950

3.3.Лизинг муносабатларини мукаммаллаштириш йўллари

Техника тараққиёти натижаларини амалиётга тадбиқ этишда яхши самара берадиган молиявий дастак бу лизинг бўлиб, у барча мамлакатларда ривожлантирилиб келинмоқда.

Бозор муносабатлари ривожланаётган шароитда Ўзбекистонда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бир томондан замонавий техника ва технологияларни қўллашни, иккинчи томондан эса зарурий молиявий ресурсларни излаб топишни талаб этади. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига лизинг муносабатларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар учун лизинг алмаштириб бўлмайдиган молиявий ричакдир, чунки уни ривожланган мамлакатларда кенг фойдаланиш имкониятлари яратилгандир. Масалан, АҚШда ҳар 3 та компьютердан биттаси лизинг муносабатлари орқали ташкил топган. 10 фоиздан 30 фоизгача тиббий ускуналар лизинг олувчилар томонидан фойдаланиб келинмоқда.

Ўзбекистонда лизинг муносабатлари ривожланиб бораётган экан, лизинг аста-секин ўзининг муносиб ўрнини топиб олган ҳолда инвестицияларни молиялашнинг муҳим қуролига айланиб бораётганлигини таъкидлаш жоиздир. Мамлакатимизда лизинг операциялари ва уларнинг турлари ҳамда самарадорлиги ошиб бормоқда.

Янги ташкил этилган ва асбоб ускуналари мавжуд, лекин айланма маблағлари бўлмаган фирмалар учун лизингдан фойдаланиш қулай ҳисобланади.

Шу боис мамлакатимизда инвестиция фаолиятини рағбатлантиришда асосий капитални лизинг асосида сотиб олиш ва янгिलाш йўли билан хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳимдир. Бу эса лизингни ривожлантириш учун алоҳида лизинг тармоғини шакллантириш мақсадида шарт-шароит яратишни тақозо этади. Лизинг компаниялари ва Ўзбекистоннинг барча минтақаларида уларнинг филиалларини тузиш,

уларни солиқ ва йиғимлардан озод қилиш, шунингдек, молиявий баркарорлигига эришиш учун имкон яратиш ва у орқали лизинг операцияларини кенгайтириш керак бўлмоқда. Қишлоқ жойларида бу тадбирларнинг жорий этилиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга, янги иш жойларини ҳосил қилишга имконият яратади.

Бунинг учун лизинг муносабатларини базавий саноат корхоналарининг эскирган техникасини янгилашга қаратиш талаб этилади. Аммо бундай чораларни амалга оширишда қуйидаги омиллар таъсир этмоқда:

- меъёрий ҳужжатларнинг талаб даражасида шакллантирилмаганлиги;
- лизинг афзалликларини баҳолаш имкониятларининг услубий ишланмаларининг мавжуд эмаслиги;
- лизинг инфраструктурасининг ривожланмаганлиги;
- лизинг хизмати турларига талаб ва таклиф тўғрисида доимий ахборот таъминотининг йўқлиги;
- лизинг фаолиятини мукаммаллаштиришга хизмат қилувчи мутахассисларнинг етишмаслиги ва хоказо.

Мамлакатда меҳнат ресурсларини асосий қисми қишлоқ хўжалик секторига тўғри келиши муносабати билан қишлоқ хўжалик техникаси ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарига талабининг ошиши кузатилмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигида лизинг хизматини кенг жорий қилинишини тақозо этмоқда.

Лизингга бўлган талаб енгил ва озиқ-овқат саноати ускуналари ҳам юқоридир. Савдо ускуналари лизингга тўла ўзлаштирилмаган, бу эса келажакда ундан ҳам самарали фойдаланишини талаб этмоқда.

Лизинг бизнесини жадаллаштириш учун давлат томонидан **қўллаб қувватлаш бўйича қуйидаги тадбирлар ўтказилиши зарур** нисбатан талаб этилади, яъни:

- давлат лойиҳарини амалга ошириш учун имтиёзли инвестиция кредитларини бериш;

- лизинг компаниялар тузилгандан кейин 5 йил давомида лизинг тўловларига нисбатан имтиёزلарни қўллаш;
- бутун лизинг муддати учун лизинг олувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг лизинг объектидан фойдаланишдан олган фойдасидан ундириладиган фойда солиғи миқдорини камайтириш;
- лизинг компанияси лизингга бериш учун сотиб олган ва мамлакатга келтириладиган ва ундан чиқариладиган техника, ускуна-жихозлар ва объектларга божхона божлари ва йигимларни камайтириш.

Шунингдек, этиборни жалб қиладиган масалалардан бири бўлиб транспорт воситалари, узоқ муддатли истеъмол буюмлари лизингини мукамалтириш ҳисобланади. Автобусларнинг лизингга олиниши ва унга “Мени лизингга олишди” деб ёзилиши кишиларда лизинг муносабатларини ривожига ҳақида тушунча, қолаверса лизингнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида кўникмалар ҳосил қилиши лизинг ривожига катта имконият яратмоқда.

Хулоса лизинг муносабатларини кенгайтириш ва уни миллий хўжаликнинг турли соҳаларига кириб боришини таъминлаш ижтимоий-иқтисодий ўсишини таъминлашда, янги-янги ишчи ўринларни яратишда, меҳнат ресурсларни тўғри тақсимлашда қулай шароитлар яратади.

Ўзбекистонда лизинг муносабатлари ривожланиб бораётган экан, лизинг аста-секин ўзининг муносиб ўрнини топиб олган ҳолда инвестицияларни молиялашнинг муҳим қуролига айланиб бораётганлигини таъкидлаш жоиздир. Мамлакатимизда лизинг операциялари ва уларнинг турлари ҳамда самарадорлиги ошиб бормоқда.

Янги ташкил этилган ва асбоб ускуналари мавжуд, лекин айланма маблағлари бўлмаган фирмалар учун лизингдан фойдаланиш қулай ҳисобланади.

Х У Л О С А В А ТАКЛИФЛАР

Бозор иқтисодиётига кириб бориш ва унинг ривожланиши жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида ижарага олинган асосий воситалардан кўпроқ фойдаланиши мумкин. Шунинг натижасида ҳозирги даврда уларнинг хўжалик фаолиятида ижара муносабатлари муҳим ўрин тутмоқда. Ижара деб — активларнинг эгаси (ижарага берувчи) бошқа субъектга (ижарачига) маълум бир вақт ичида ва тўлов эвазига активларни ишлатиш учун эксклюзив ҳуқуқни топшириши бўйича тузилган битимга асосан узоқ муддатли активларни фойдаланишга бериш тушунилади.

Ижарачининг асосий мажбурияти бўлиб, ижара ҳақини белгиланган даврда ва тўлиқ тўлаш ҳисобланади, одатда ҳар ойда ёки ҳар йил чорагида, ҳамда бўнак тариқасида тўловлар амалга оширилади. Бунда активларни ким ишчи ҳолатда тутишини ижара келишуви аниқлайди. Тезкор ижара битими бўйича — бино ва асбоб-ускуналарнинг қисқа вақтга (бир кундан бир йилгача ёки кўпроқга) ижарага олганда ижарага берувчи асосий воситаларни таъмирлаш ва ижрани амалга ошириш бўйича харажатлар деб аталувчи жорий харажатларни тўлаш, масалан солиқдар ва мулк суруртасини тўлашни ўз зиммасига олади. Молиявий ижара битими бўйича ижарачи ҳамма харажатларни ўзи қоплайди. Ижарага берувчи активнинг хизмат қилиш вақти мобайнида ижара битимини даврий ҳолда янгилаб туриши керак. Шундай бир фикр мавжудки, агар битимда ижарага олинган асосий воситалар ижара муддатининг ўтиши билан ижарачининг мулкига ўтказилиши келишилса ёки ижара муддати етарлиқ даражада узоқ ёки ижара битими бузилиши мумкин бўлмаса, унда ушбу ижара муомаласида ижарага берувчи томонидан мулкнинг кредитга сотилиши ёки ижарачи томонидан муддатини узайтириб сотиб олиш сифатида тушунилиши мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда якунловчи мақсад бўлиб яширин ҳолатда сотувчи (ижарага берувчи) томонидан активларга эгалик қилиш ҳуқуқини сотиб оловчи (ижарачи)га ўтказилиши ҳисобланади.

Ижарага бериш муддатига кўра уларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- узоқ муддатли ижаралар — 1 йил ва ундан ортиқ муддатга;
- қисқа муддатли-жорий ижара — 1 йилгача муддатда. Бундан ташқари мулкчиликка бериш шартига биноан ижара шакллари қуйидагича бўлади:
 - молиялаштирувчи-молиялаштирилган лизинг — ижра муддати амортизация ҳисоблаш муддатига тенг;
 - жорий, яъни тезкор ижара — мулкка эгалик ҳуқуқи ижарага берувчида қолади.

Бозор муносабатлари ривожланаётган шароитда Ўзбекистонда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бир томондан замонавий техника ва технологияларни қўллашни, иккинчи томондан эса зарурий молиявий ресурсларни излаб топишни талаб этади. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига лизинг муносабатларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Лизинг бизнесини жадаллаштириш учун давлат томонидан **қўллаб қувватлаш бўйича қуйидаги тадбирлар ўтказилиши зарур** нисбатан талаб этилади, яъни:

Давлат лойиҳарини амалга ошириш учун имтиёзли инвестиция кредитларини бериш;

лизинг компаниялар тузилгандан кейин 5 йил давомида лизинг тўловларига нисбатан имтиёزلарни қўллаш;

Бутун лизинг муддати учун лизинг оловчи хўжалик юритувчи субъектларнинг лизинг объектидан фойдаланишдан олган фойдасидан ундириладиган фойда солиғи миқдорини камайтириш;

Лизинг компанияси лизингга бериш учун сотиб олган ва мамлакатгага келтириладиган ва ундан чиқариладиган техника, ускуна-жихозлар ва объектларга божхона божлари ва йигимларни камайтириш.

Хулоса лизинг муносабатларини кенгайтириш ва уни миллий хўжаликнинг турли сохаларига кириб боришини таъминлаш ижтимоий-иқтисодий ўсишини таъминлашда, янги-янги ишчи ўринларни яратишда, меҳнат ресурсларни тўғри тақсимлашда қулай шароитлар яратади.

Ўзбекистонда лизинг муносабатлари ривожланиб бораётган экан, лизинг аста-секин ўзининг муносиб ўрнини топиб олган ҳолда инвестицияларни молиялашнинг муҳим қуролига айланиб бораётганлигини таъкидлаш жоиздир. Мамлакатимизда лизинг операциялари ва уларнинг турлари ҳамда самарадорлиги ошиб бормоқда.

Айниқса ҳозирги кичик ва ўрта бизнес хужаликлари тараққий этиб бораётган бир пайтда уларни керакли бўлган асосий воситалар билан таъминлашда лизинг шартномаларининг аҳамияти беқиёс ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”. Т.: “Ўзбекистон”, 1993 й.
2. Каримов И.А. “Иқтисодий ислохот – масъулиятли босқич”. Т.: “Ўзбекистон”, 1994 й.
3. Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й.
4. Каримов И. А. “Ўзбекистон: миллий мустақиллик, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура”. Т.: “Ўзбекистон”, 1996 й.
5. Каримов И. А. “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Т.: “Ўзбекистон”, 1997й.
6. Каримов И.А. “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Т.: “Ўзбекистон”, 1998 й.
7. Каримов И.А. “Ислохотлар ва инвестициялар бўйича”. Т.: “Ўзбекистон” 2000 й.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2003й.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонуни”. Т., 1996 й.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисобининг Миллий Стандартлари”. Т., 1998-2000 й. Ўзбекистон Молия вазирлиги.
11. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Т., 1998 й.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.2003 йил 270-сонли, 15.10.2003 йилдаги 444-сонли қарорларига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом. Т., 2003 й. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

13. “Хўжалик юритувчи субъектлар молия – хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича кўрсатма”, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий ассоциацияси, -Т., 2003 й.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 26.04.1996 йил 223-1-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (2000 йил 26 май)

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 8 августдаги “Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони.

17. Абашина А.М., Симонова М.Н. Чистая прибыль, резервы и фонды. М., “Фимин”, 1997 г.

18. Абдуллаев А., Абдуваҳобов О., Қаямов И., “Аудит асослари” дарслик. Т.: “ЎАЖБНТ” маркази, 2003 й.

19. Акрамов Э.А. Молиявий таҳлил. Т.: “Ўзбекистон”, 2000 й.

20. Бабажанов О., Ҳамидов.А. Молиявий ҳисоб фанидан амалий машғулотлар. “Фан”, Т., 1999 й.